Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 22-avgust, chorshanba ✱ № 35 (787) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти **Барак Ҳусейн Обама**;

Қувайт Давлати Амири **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид;**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Миср Араб Республикаси Президенти **Муҳаммад Мурсий;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика;**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Маҳмуд Аҳмадинежод;**

Ислом Ҳамкорлиги Ташкилоти Бош котиби **Акмалиддин Эҳсонўғли**;

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳаммедов**;

Озарбойжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Зиллур Раҳмон**;

Сингапур Республикаси Президенти **Тони Тан Кенг Ям**;

Қирғиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**;

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Ҳамид Карзай**;

Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси, Фаластин Миллий Маъмурияти Раиси **Маҳмуд Аббос**;

МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода** ўз табрикларини йўлладилар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»:
хавфсизлик, барқарорлик ва қулайлик

Юртимизда барча соҳалар қатори миллий авиакомпания тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис, жаҳондаги, айниқса, ривожланган ғарб давлатларининг машҳур авиакомпаниялари инқироз ёқасига келиб қолган бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жадаллик билан ривожланиб бораётир.

Истиқлол шарофати билан миллий авиакомпания парки учун замонавий ва қулай самолётлар харид қилиниши йўлга қўйилди. Ҳар йили дунёнинг машҳур самолётсозлик заводларидан авиалайнерлар келтирилаётганлиги фикримиз исботидир. Хусусан, жорий йилнинг ўзида «Boeing-787» лайнерларининг сони тўрттага кўпайди. Бундан ташқари, 2014-2016 йилларда яна иккита «Boeing-787 Dreamliner» самолётини харид қилиш бўйича ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузилган. Қолаверса, ҳозирги пайтда «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси базасида мазкур авиалайнер конструкциясининг композит материаллардан тайёрланган йирик эҳтиёт қисмларини таъмирлаш бўйича минтақавий цех ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимизда самолётсозлик соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиий.

2

АТЛАС ЖИЛОСИДА ҚАЛБ ШИЖОАТИ

Бугунги кунда дастлаб 3 киши билан иш бошлаган атлас тўқиш хусусий корхонасининг эгасиман. Айни пайтда 20 кишилик жамоамизнинг 95 фоизини қишлоқ хотин-қизлари ташкил этади. Маҳсулотимиз сифатли, арзон, бозоргир, буюртмачилар шартномага асосан олиб кетишади.

3-бет

ҚУЁШДАГИ ЁРИҚ НИМАДАН?

Чет эл ОАВлари берган маълумотларга кўра, Қуёш юзасида пайдо бўлган улкан қора ёриқнинг узунлиги деярли миллион километргача етган ва у катталашишда давом этмоқда. Олимлар айрим адабиётларда келтирилганидек, Қуёш портлаб ерни йўқ қилиб юбориши ҳақидаги тахминларга қўшилишга шошилишмаяптилар.

5-бет

БАХТИМ ШУ — ТУҒИЛДИМ ЎЗБЕКИСТОНДА!

Эҳтимол, ҳамма ҳам қаҳрамон бўлавермас, ҳар ким ҳам оламшумул кашфиёт яратиб, ўз номини тарих дафтарига битиб қўёлмас, аммо барчамиз ўз ишимизга, вазифамизга сидқидилдан ёндашишга, ҳалол меҳнат қилишга масъулмиз. Бунинг учун баланд-парвоз, жимжимадор гаплар билан минбарларни "гуллатиш" ҳам, ёлғондакам жонбозлик кўрсатиш ҳам шартмас, шунчаки, виждонан ишласак, ўз бахтимизни, фарзандларимизнинг эртасини шу юрт келажаги билан чамбарчас кўра олсак, бас.

7-бет

► ФАХР

Нурафшонлик

Тараққиёт жадаллашган сари энергия, ёқилғи манбалари одамзот учун худди ҳаво ёки сув каби муҳим эҳтиёжлардан бирига айланиб бораверади. Қайси мамлакатнинг бу борадаги заҳиралари ёки электр қуввати ишлаб чиқариш тизими яхши йўлга қўйилган бўлса у мустақил фаолият кўрсатишга қодир. Юртимизда бу соҳа доирасида кўплаб ютуқларга эришилмоқдаки, буни ҳатто жаҳон аҳли эътироф этмоқда.



Республикамизда мустақилликка эришилган илк кунларданоқ электр энергияси таъминоти масаласига жиддий эътибор берилди. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси олдида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири этиб электр энергетикаси тизимини қайта ислоҳ қилиш, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ва энергетика корхоналари базасида янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш асосий вазифа этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида соҳа мутахассислари томонидан ижро этилиши назарда тутилган вазифалар уддаланиб, эндиликда компания ички эҳтиёжларни қондириш билан бир қаторда хорижга ҳам электр энергияси экспортини йўлга қўйди.

2

ОБУНА – 2012

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2012 йилнинг иккинчи ярми учун ҳам обуна давом эттирилмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!



"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИНТИЛАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
"HURRIYAT"*нинг почта индекси — 23*

ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси рейтингига кўра, Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллади.

Economist Intelligence Unit бу йили шаҳарлар рейтинги имкон қадар холис бўлиши учун барча чораларни амалга оширди — танловнинг энг яхши мезонлари конкурсини эълон қилди ва BuzzData тадқиқот фирмаси билан ҳамкорликда дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаш бўйича такомиллаштирилган комплекс рейтингни ишлаб чиқди.

2

ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу йилги рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, маданий ва атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси каби анъанавий кўрсаткичлар билан бирга яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, ҳудудларнинг тавсифлари, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезонлар билан бойитилди.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 та шаҳри ўртасида танлов ўтказилди. 70 та энг яхши шаҳарларнинг якуний рўйхатидан Осиёнинг 30 шаҳри, Европанинг 18 шаҳри, Шимолий ва Жанубий Американинг 18, Африка қитъасининг 3 шаҳри ҳамда Австралия ва Океанияга тегишли бўлган битта шаҳар ўрин олди. Шуниси эътиборга сазоворки, танловда Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудидан фақат битта шаҳар — Тошкент иштирок этди.

Ўзбекистон пойтахти дунёнинг ободлик ва яшаш қулайлиги рейтингида 140 шаҳар орасида юқори 58-ўриндан жой олиб, жаҳон таснифидаги яшаш энг қулай бўлган йирик шаҳарлар орасидан муносиб ўрин эгаллади.

Economist Intelligence Unit экспертлари томонидан, айниқса, шаҳар аҳолисининг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар кўрсаткичи юқори баҳоланди. Бу мезон бўйича асосан Европа ва Шимолий Америкада жойлашган 36 шаҳар бизнинг пойтахтимизга қараганда юқорироқ ўринни эгаллади, холос.

Дунё рейтингида соғлиқни сақлаш хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам юқори баҳоланиб, ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент дунёда 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон пойтахти транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланиши бўйича ҳам дунёнинг энг илғор 50 шаҳри сирасига киритилди.

ЎзА

► ТАДБИР

Мароқли учрашувлар

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрамига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда Республика маънавий-маърифий тарғибот гуруҳи иштирокчилари — таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос, ҳуқуқшунос олимлар, санъат аҳли вакиллари Навоий вилоятида бўлиб қайтдилар.

"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан" мавзуи доирасида ўтказилган туркум анжуманлар, муқаддас айёмлар арафасида янада чирой очган, тобора кўркамлашиб бораётган вилоятнинг Кармана, Навбаҳор, Қизилтепа, Конимех туманларида ҳамда навқирон Навоий шаҳри аҳолиси иштирокида янада файзиёб бўлди.

— Айниқса, Конимех туманида турли касб эгалари билан бўлиб ўтган учрашувлардан руҳланиб, янги илҳомлар олдим, — дейди гуруҳ аъзоси, шоир Носиржон Жураев.

Таниқли ёзувчи Ҳабиб Темировнинг юртимиз истиқболи, "Энг улуғ, энг азиз" байрамимизнинг қадр-қиммати ҳақидаги публицистик чиқишлари, ҳуқуқшунос Эшмуҳаммад Қодировнинг мамлакатимиз мустақиллигининг мазмун-моҳиятини чуқур англашга қаратилган маърузалари, адабиётшунос — Сувон Мелиевнинг мароқли чиқишлари, шоирлар — Бобур Бобомурод, Баҳриддин Садриддиновларнинг ҳароратли шеърлари тадбир иштирокчилари олқишига сазовор бўлди. Айниқса, навқирон авлод — санъат вакиллари ака-ука Жаъфар ва Сухроб Кенжаевлар ижро этган шўх қўшиқлар тадбир иштирокчиларига завқу шавқ бағишлади.

Ғофур ШОДИЕВ,
Республика Маънавият-тарғибот маркази масъул ходими, гуруҳ аъзоси

ВАТАН СИЙРАТИ

Нурафшонлик



(Бошланиши 1-бетда.)

Энергетика тизимини янада ривожлантириш мақсадида муҳтарам Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш дастури тўғрисидаги» ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил инвестиция дастури тўғрисидаги» қарори соҳа ривожининг кафолати бўлди. Мазкур қарорлардан келиб чиққан ҳолда компания томонидан соҳани 2015 йилгача ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Дастурга мувофиқ компания жами умумий қиймати 7 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 54 та инвестицион лойиҳани амалга ошириши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳаларни бажариш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар ва бошқа хорижий инвестициялар фаол жалб қилинмоқда.

— Бугунги кунда Навоий, Таллимаржон ва Тошкент иссиқлик электр станцияларида қуввати 370-450 МВт бўлган энергияни тежайдиган буғ-газ қурилмалари қуриш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган, — дейди биз билан суҳбатда «Ўзбекэнерго» ДАК бошқарув раисининг ўринбосари Р.Раимов. — Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентликларининг маблағлари билан молиялаштирилиши натижасида ишга тушириладиган буғ-газ қурилма юқори техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлади. Натижада ҳар бир иссиқлик электр станциясида йилига 360 млн.м³ ёқилғи тежалиши назарда тутилган.

Яна бир энг йирик инвестицион лойиҳа — Навоий иссиқлик электр станциясининг тўла қувват билан ишлашини таъминлашдир. Бу ерда барпо этиладиган энг замонавий технологиялар асосида ҳаракатланадиган иссиқлик энергияси манбасининг тўла қуввати 478 МВт эга бўлади. Иншоотда буғ-газ қурилмасини ўрнатиш, қуриш ва монтаж қилиш ишлари якунига етиб қолди. Ушбу қурилма йил охиригача фойдаланишга топширилади. Лойиҳа қиймати 468 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у келгусида ёқилғи миқдорини тежаш билан бирга йилига 3,40 миллиард кВт.с. электр энергиясини ишлаб чиқариш имконини беради.

Бундан ташқари "Сирдарё иссиқлик электр станциясида иккита энергоблокни тўлиқ модернизация қилиш" лойиҳаси амалга оширилгач, унинг ишлаб чиқариш қуввати 275 МВтдан 300 МВтгача кўтарилади, шартли ёқилғи ёқиш сарфи 34 гкВт соатга камаяди.

Шунингдек, мамлакатимизда электр истеъмолини автоматлаштирилган бошқаруви тизимини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Компания электр тармоқлари томонидан истеъмолчилар хонадонига 4 ярим миллионга яқин замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳани амалга ошириш мақсадида Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқа инвестиция маблағлари жалб этилган. Ана шундай кўламли ишлар бажарилгач, 1,8 миллиард.кВт соат электр энергиясини тежаш таъминланади.

Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Унинг афзалликлари, хавфсизлиги ва бошқа устуворлигини чуқур англаган ҳолда компания қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиб, Республика Фанлар Академияси Энергетика ва автоматика институти мутасаддилари ҳамкорлигида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Мамлакатимизнинг қуёш ва шамол энергиясини ҳосил қилиш имкониятларини ўрганиш борасида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, юртимизнинг турли ҳудудларида қуёш нурининг давомийлиги йилига 2650 соатдан то 3050 соатгача ўзгариб туради. Бир кеча-кундузда қуёш нурининг давомийлиги ёз ойларида — 11-13 соат, қиш даврида — 3-5 соат атрофида ўзгариб туради. Бу эса муқобил энергия ишлаб чиқариш учун қулай эканлиги ўз исботини топди.

Ўтган 10 йил давомида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, шамол оқимларининг ялпи энергия салоҳияти республиканинг турли ҳудудларидаги 4474 квадрат километр майдонда 9,9 миллиард. кВт/с дан зиёд энергия ҳосил қилишни таъминловчи 144 минг 400 та шамол қурилмаларини ўрнатиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Шамол энергетика қурилмаларини яратиш ва эксплуатация қилиш тажрибасини оширишга мақсадида жорий йилда Чорвоқ сув омбори ҳудудида 750 кВт қувватга эга бўлган, тажрибавий шамол энергиясидан фойдаланиш қурилмасини барпо этишга киришилган. Бу лойиҳанинг қиймати 2 миллион 870 минг долларни ташкил этади.

"Ўзбекэнерго" ДАК ижтимоий ҳимоя, таълим муассасалари каби объектларда қуёш қурилмаларини жорий қилиш бўйича ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, 2011 йилда компаниянинг ўз маблағлари ҳисобига Мурувват ва Меҳрибонлик уйларида, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктларида қуёш энергияси гелиоқурилмалари ўрнатилди.

Масалан, Фарғона шаҳридаги Меҳрибонлик уйида бир суткада 5 тонна сув иситувчи 1 та қуёш коллектори, 2 кВт қувватдаги электр энергияси ишлаб чиқарувчи 1 та гелиоқурилма, Наманган шаҳридаги 26-меҳрибонлик уйи ва Андижон шаҳридаги жисмоний имконияти чекланган болалар тарбияланадиган муассасада ҳам бир суткада 5 тонна сувни иситиш қувватига эга бўлган 1 тадан қуёш коллектори ва электр энергияси ишлаб чиқариш учун 1,35 кВт қувватга эга бўлган 1 тадан гелиоқурилма ўрнатиб берилди.

Умуман олганда, бу борада республикамизда талайгина ишлар олиб борилмоқда, дейиш мумкин. — "Қурилишгелиосервис" ОАЖ томонидан умумий майдони 942 м² га тенг бўлган 17 та объектда иссиқ сув билан таъминловчи гелиотизимлар ўрнатилди;

— "Фотон" ОАЖ томонидан турар жой объектлари, чорвачилик хўжаликларида, қишлоқ врачлик пунктларида қуввати 60 дан то 1200 Вт гача бўлган 87 та қуёш фотоэлектр тизимлари жорий қилинди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳозирги пайтда ўрнатилган қуввати 50 кВт гача бўлган фотоэлектр тизимлари (ФЭТ)ни тайёрлаш имконини беради.

Қайта тикланувчан энергия манбаларининг ҳар хил турларидан кенг миқёсда фойдаланиш қишлоқ жойлардаги, айниқса, бориш қийин бўлган жойлардаги, айни дамда электр, иссиқлик таъминоти йўқ бўлган ёки энергия таъминотида танқислик сезилаётган объектларнинг энергия билан таъминланишига оид муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

Ҳозирги пайтда қуёш қувватидан фойдаланиш билан боғлиқ маълумотларни йиғиш учун 6 та метеостанция жойлаштириладиган ҳудудлар ва майдонларни танлаш масаласи ишлаб чиқилмоқда. Шамол энергияси салоҳиятини ўрганиш ва баҳолаш бўйича ҳам шунга ўхшаш ишланмалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Тадқиқотлар натижалари республикада яқин келажакда шамол ва қуёш электр станцияларини яратиш имкониятининг дастлабки техник-иқтисодий асосларини тайёрлашга киришиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, компания томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар республика иқтисодиёти тармоқларини ва аҳолисини мустаҳкам электр энергияси билан таъминлаш, энергетика тизимини минтақавий салоҳиятини ошириш ҳамда хонадонларимиз чароғонлигига эришишдир.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Реклама

ЎзА суратлари

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»: хавфсизлик, барқарорлик ва қулайлик

(Бошланиши 1-бетда.)

Миллий авиакомпаниянинг вилоятлардаги аэропортларида бўлаётган ўзгаришлар, йўловчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифатда ташкил этилаётганлигини ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш даркор. Жумладан, соатига 200 нафаргача мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга «Урганч» халқаро аэропортида бугун юртдошларимиз ва юртимиз меҳмонларига сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилди. Бу ерда кутиш зали барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Фарғона, Самарқанд, Нукус, Наманган, Навоий халқаро аэропортларида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Қувонарлиси, «Бухоро» халқаро аэропорти 2011 йил якунларига кўра, «Аэропорт» фуқаро авиацияси ассоциациясининг «МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши аэропорт» танловининг «Жадал ривожланаётган аэропорт» номинациясида ғолиб деб топилди.

Ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг янада ривожлантириш, йўловчи ташиш тизимини янада юқори сифатга олиб чиқиш билан бирга халқаро юк ташувчи самолётларни келтириш, бу тизимни қўллаб-қувватлаш, терминаллар ташкил этишга ҳам катта эътибор берилаяпти. Бунинг натижаси ўлароқ, «Навоий» халқаро аэропорти базасида ташкил этилган интермодал логистика марказида бир суткада 300 тоннага яқин юкни қабул қилиш имкониятига эга юк терминали, соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатувчи янги аэровокзал ишлаб турибди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам мунтазам яхшиланиб бормоқда. 2012 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида 12 339 та қатнов амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2011 йилнинг олти ойига нисбатан 419 тага кўпдир. Шунингдек, ўтган давр мобайнида 1 миллион 244 минг йўловчи компания хизматидан фойдаланди. 20 минг тонна юк, 755 тонна почта ўз манзилларига етказилди.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
«Hurriyat» мухбири

Бухоро вилоят «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти «Очиқ танлов» савдоларига таклиф этади

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2011 йил 27 сентябрдаги 1101-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Бухоро шаҳри Т.Фароғий кўчаси ёқаси ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун ҳар бири 65 кв.мдан иборат 12 та (бош режа асосида 25 дан 36 рақамигача) ва ҳар бири 100 кв.мдан иборат автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун 4 та (бош режа асосида 37,38,39,40-сонли) ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

Ҳар бири 65 кв.мдан иборат 12 та **ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 37 570 сўм**.

Ҳар бири 100 кв.мдан иборат 4 та **ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 57 800 сум**.

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп қилинган кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пуллари тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 24 сентябрь куни соат 11:00 да очилади. 2012 йил 24 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 24 сентябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 1,8,15,22,29 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида савдо куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар-давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар-паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 10-уй.
Телефонлар: 8 (365) 223-69-62.

Лицензия RR-0048

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

АТЛАС ЖИЛОСИДА ҚАЛБ ШИЖОАТИ

Чортоқлик Марҳабатхон Тўхтабоеванинг бир сўзли, ишбилармон, талабчан, инсонлиги ҳақида жуда кўп таърифлар эшитдик. У киши билан яқинроқ танишгач, биз ҳам амин бўлдик.

— Икки ўғил, бир қизнинг онасиман, — дейди Марҳабатхон опа бироз суҳбатлашганимиздан сўнг оиласи ҳақидаги саволимизга кўнгли тўлиб жавоб бераркан. — Келиним Муҳаббатхон ҳам ўғлим Илҳомжонга узукка кўз қўйгандек мос, кўнглимдагидай чиқди. Турмушимиз янада файзга тўлди. Ҳозир ёнимда, иш ўрганяпти. Насиб этса, ҳademай етакчиликни ҳам зиммасига олиб, тадбиркор бўлиб майдонга тушади. Гапнинг индаллоси, давримизнинг ўзи аёллардан фаолликни талаб этяпти. Қолаверса, юртимизда тадбиркор, фаол хотин-қизларга кенг имкониятлар яратилаётгани ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Булардан унумли фойдаланиб, оиласига, атрофдагиларга наф келтириб яшашнинг ўзи катта бахт ва савоб эмасми?

Айтиш жоизки, опанинг ўзи ана шу сўзларини амалда ҳамиша исбот этиб, кўпчилик ҳурматини қозониб, эл-юрт назарига тушган хотин-қизларимиздан.

Марҳабатхон Тўхтабоева Айқирон қишлоғида туғилиб ўсган. Отаси Абдураҳмон ака ҳам бир сўзлилиги, меҳнаткашлиги билан қишлоқдошлари орасида обрў қозонган инсон бўлган. Онаси Майрамхон ая ҳам 60 йилдан буён қайнонаси Ҳамрохон буви билан аҳил-иноқликда умргузаронлик қилмоқда. Улардан юққан барча яхши хислатлар боис Марҳабатхон опа бугун замонга мос ишбилармон аёл, меҳрибон ва оқила бека, яхши қайнона каби номларга мушарраф бўлиб яшаяпти. Сулола анъаналарини фарзандлари Иқболхон, Илҳомжон Азизбек ва набиралари давом эттиришмоқда.

— Ҳаётда нимагаки эришаётган бўлсам, аввало ота-онам берган тўғри тарбия, қолаверса, қайнона бувим ва қайнона онам, турмуш ўртоғим Каримжон аканинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли, — дейди опа. — Очиғи, келин бўлгач, катта қайнонам Тўтихон аянинг маслаҳатлари билан Наманган тўқимачилик билим юртида ўқидим. Халқимиз «Қайнонали келин қарқара, қайнонасиз келин масхара» деб топиб айтган экан. Мана ёшим элликдан ошибдики, рўзғор юритиш, одамлар билан муомала қилиш бобида қайнонамдан ўрганганларим менга асқотади. Атлас цехида ишлаб, катта тажриба орттиргандим. Бахтимга мустақиллик ўз ишимни йўлга қўйишга имкон берди. Бугунги кунда дастлаб 3 киши билан иш бошлаган атлас тўқиш хусусий корхонасининг эгасиман. Айни пайтда 20 кишилик жамоамизнинг 95 фоизини қишлоқ хотин-қизлари ташкил этади. Маҳсулотимиз сифатли, арзон, бозоргир, буюртмачилар шартномага асосан олиб кетишади. Ишчиларнинг манфаатдорлиги ҳам шунга яраша, ҳар ҳолда ишдан нолиб кетиб қолувчилар йўқ. Аксинча корхона фаолияти кенгайиши ҳисобига ишга жойлашишни истаганлар кўп. Насиб этса, уларнинг ана шу ниятлари асосида тузган келажак режаларимизни амалга оширмоқчимиз. Энг асосийси, ҳисобимизда етарли маблағ бор, қарздорлигимиз йўқ. Қолаверса, маҳалладаги савоб ишлардан ҳам четда турмаяпмиз. Чунки маҳалла тинчлигию, фаровонлиги юрт ободлиги, осойишталиги демак. Яна бир гап, жамоамиздаги кам таъминланган оила вакиллари алоҳида эътиборимизда. Менинг назаримда, бирор-бир инсоннинг мушкулини осон қилишдай хайрли ва савоб иш йўқ. Корхонамиз фаолияти баҳона уйда ўтирган маҳалладош опа-сингилларимизни ишли, ҳунарли қилиш баробарида дунёқарашини кенгайтириб, оилаларини мустаҳкамланишига ҳисса қўшаётганимиздан хурсандман.

Ҳа, Марҳабат опанинг ана шундай фидойиликлари инобатга олиниб, мамлакатимиз мустақиллигининг 15 ҳамда 20 йиллиги тантаналари арафасида кўкрак нишонлари билан тақдирлангани ҳалол ва сидқидил меҳнатларининг самарасидир.

Абдимутал МАТКАРИМОВ олган сурат

Шаҳзода АКБАРОВА
Наманган вилояти

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

Юртимизда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис кундан-кунга мазкур масканлар жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган даражада ривож олмоқда. Жумладан, Қўқондаги болалар боғчалари ҳам. Улар орасида вилоятга ва ҳатто республика миқёсида ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган иш тажрибалари шаклланган тарбия ўчоқлари бор. 39-мактабгача таълим муассасаси шундайлардан бири.

Иқбол юлдузлари

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Зуҳра Ҳожаева мудиралик қилаётган нутқида нуқсони бор болалар учун ихтисослаштирилган мазкур муассаса ўзининг ибратбахш фаолияти, боғчадаги ободончилик ва тартиб-интизом, таълим-тарбия мутахассисларининг юксак малакаси ҳамда услубий изланишлари билан эътибор қозониб келади. Бу ерда мунтазам тарзда вилоят ҳамда республика мактабгача таълим мутахассисларининг логопедик пешқадам иш тажрибалари бўйича семинарлари ўтказилиши ва болалар боғчаси фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бошқа мавзулардаги ўқув курсларини тез-тез ўтказилиб турилиши фикримизга далил бўла олади.

2000-йиллар арафасида биз ҳозир фаолияти ҳақида ҳикоя қилаётган таълим муассасаси ўрнида шўролар даврида талон-торож қилинган аллақайси ташкилотдан қолган бир харобазор бўларди. Ўша пайтлар шаҳар Халқ таълими бўлимида мониторинг бўлими назоратчиси бўлиб ишлаётган Зуҳра Ҳожаева «Мен ана шу ташландиқ жойда ҳамманинг ҳавасини келтирадиган обод боғча ташкил этаман», деб ташаббус билан чиқди. Бу ҳаракат кенг жамоатчилик вакиллари томонидан қўллаб-қувватланди. Шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳомий ташкилотлар кўмаги натижасида кўзланган мақсадга эришилди.

Бугун эса ушбу маскандаги ободончиликни кўриб, кўзингиз қувнайди. Манзарали ва мевали дарахтларнинг, гулу-гулзорларнинг латофатидан, жозибасидан дилингиз яшнайди. Хиёбонлар ва майдончаларга боқиб, эртаклар оламига кириб қолгандек бўласиз гўё. Машҳур афсонаю-эртакларнинг машҳур қаҳрамонлари шу ерда жамулжам. Боғчанинг 6 гуруҳга бўлинган 80 нафардан зиёд болалари меҳрибон ва болажон тарбиячиларнинг доимий назоратида.

Шу кунлар ёз фасли бўлгани боис муассасада алоҳида иш тартиби жорий этилган. Таълим машғулотлари қисқартирилиб, жисмоний чиниқишга, ҳар хил қувноқ ўйинларга, шахмат, шашка ва бадиий гимнастика, моҳир қўллар ва рақс тўгаракларига кўпроқ вақт ажратилган. Нутқида нуқсони бор болалар учун алоҳида машғулотлар изчил олиб борилиб, ана шу таркибдаги 20 нафар болакайлар «Бинафша» ва «Қалдирғоч» гуруҳларига бириктирилган. Уларга олий тоифали логопед мутахассислар Маҳфузахон Абдувалиева, Зиёратхон Муҳиддинова, Нурхон Қўзиева, Зилола Мавлонова ва Маҳфуза Абдуғаниевалар сабоқ беришади.

Бир сўз билан айтганда, муассаса жамоасининг бугунги барча ютуқларида бевосита боғча мудирасининг ўз ўрни, бунёдкорлик ва ташкилотчилик маҳорати, заҳматли меҳнатлари самараси ётади. Бундай инсонлар чиндан ҳам ўз умрини фақат эзгу ишларга, айниқса, иқболимиз юлдузлари бўлган янги авлод таълим-тарбияси учун бахшида этиб яшаётганидан ҳар қанча фахрланса шунча оз.

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

БОР ГАП

Сўзи билан иши бир бўлмагач...

Мамлакатимизда Истиқлол шарофати билан хизмат кўрсатиш турлари ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Албатта, бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг замирида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва уларга ҳар томонлама қулайлик яратишдек эзгу ниятлар мужассам. Шу ўринда юрт равнақига ҳисса қўшиб, пойтахтимиз аҳолисига беминнат хизмат қилаётган "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ходимларининг меҳнатларини эътироф этиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда замонавий "Мерседес" ва "Исузу"лар, йўналишли такси(маршрутка)лар ҳамшаҳарларимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келмоқда. Кун сайин янги йўналишлар очилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти юксалаётир. Аммо бу соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг фаолият мезони ҳали кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Пойтахтимиздаги турли йўналишларда қатнаётган жамоат траспортларидан бир кунда миллионлаб кишилар фойдаланади, десак муболаға бўлмас. Эрталаб юмушга ё ўқишга отланаётиб, аввало эл хизматига бел боғлаган чиптачи ва ҳайдовчиларга дуч келишингиз табиий. Чунки йўлга чиқишингиз билан уларга дуч келасиз. Уларнинг муомала-муносабатидан гоҳида кўнглингиз тўлса, гоҳида таъбингиз хира тортади. Айниқса, айрим ёш чиптачилар ёшу қари деб ўтирмайди «бўла қолинг», «тезлаштиринг», «тушмоқчи бўлганлар олдинга ўтсин» дея тихирлик қилиб ҳаммани шоширади.

Бундай манзараларни анчадан буён кузатиб юрганим боис кечки пайт 100- «Чилонзор буюм бозори — Қора-қамиш-2\4» йўналишида қатновчи автобусда юз берган қуйидаги воқеага жиддийроқ эътибор бердим. Салонда қулоқни батанг қилиб мусиқа янграмоқда. Одатда енгил машиналарда шундай ҳолатлар кузатилади, энди бу одат автобус ҳайдовчиларига ҳам «юқибди».

— Илтимос, ҳой ука, анави ордона қолгурнинг овозини пасайтир, ойимнинг тоблари қочиб қолади. Қон босими бор, — деди онаси билан ёнма-ён ўтирган аёл.

Чиптачи ўзини эшитмасликка олди. Ҳалиги аёл гапини яна такрорлади.

— Эрталаб соат тўртдан бери ишдамиз, чарчоғимизни мусиқа билан босамиз-да, опажон, дея мусиқани янада баландлатди у.

Онахон бебош чиптачини қарғай-қарғай орқа ўриндиққа ўтмоқчи бўлиб ичкарироққа интилди. Афсуски, йўловчи кўплиги боис охири тақдирга тан бериб жойига қайтди. Шу тариқа бир автобус одам манзилга етгунча такасалтанг «санъаткор»ларнинг маза-матрасиз қўшиқларини тинглашга мажбур бўлди.

Қуйидаги воқеа ҳам кишини ўйлантириши табиий. Беруний бекатида соат 20.45 ларда "Шифокорлар шаҳарчаси — Чкалов метроси" йўналишида қатновчи 10-автобусни кута бошладим. Орадан 15-20 дақиқа ўтса-да, автобусдан дарак бўлавермади. Яхшиямки, шу пайт дўкон сотувчиси бир юмуш билан чиқдими, ё бизни огоҳ этмоқчи бўлдими ҳар ҳолда соат 21 дан кейин айрим автобуслар юрмаслигини айтди. Унга аввал ишонмай бекатдаги жадвалга кўз ташладим. Автобус келиши керак, вақт бор эди. Аммо, минг афсуски, алал-оқибат у ҳақ бўлиб чиқди. Йўловчиларнинг барчаси ўз манзилларига такси билан жўнашга мажбур бўлишди. Ажабланарли жиҳати шуки, бекатдаги жадвалда энг охирги автобуснинг қатнови соат 23.10 кўрсатилган эди. Ҳолбуки, суриштириб аниқласам, мен кутган автобуснинг охиргиси кечки соат 20.10 да ўтган экан. Хўш, унда жадвалда нега бошқача ёзилган?

— Кечқурун йўловчилар анча камаяди, — дейди ўз номини ошкор этишни истамаган ҳайдовчи. — Ҳатто айрим пайтлари ёқилғи харажати ҳам қопланмайди. Аммо жадвалда қатновлар вақти нега бундай кўрсатилганини билмайман.

Ниҳоят гап навбати бекатларга илинган автобуслар ҳаракати жадвалига келди. Бекатлардаги кўк рангли жадвалларда автобуслар рўйхати, сариқ ранглиларидагисида эса автоуловларнинг йўналиш бўйича қатнов соатлари кўрсатилган. Сўзи билан иши бир бўлмаган соҳа раҳбарлари бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўрсалар, яхши бўларди. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, рўйхатдаги ёзувлар бироз катталаштирилса, энг муҳими, эса, ҳайдовчиларнинг шу жадвалга қатъий риоя қилишлари таъминланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир фикр — жамоат транспортларида ҳар хил рекламаларнинг ўрнига йўловчи ва хизмат кўрсатувчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тўғрисида маълумотлар ҳам бериб борилса ёмон бўлмасди. Ана шунда чиптачию ҳайдовчилар ҳам, йўловчилар ҳам ўзларининг бурчларини, ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англаб олишармиди...

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Реклама

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2012 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи

Лот 8-1 Сайхунобод тумани Пахтакор ҚФЙда кўча қурилиши (1 этап).
Бошланғич нархи ҚҚС билан — 270 069 708 сўм;
Бошланғич нархи ҚҚСсиз — 225 058 090 сўм
Қурилиш муддати — 150 кун

Лот 8-2 Оқолтин тумани Бўстон ҚФЙ Бўстон қўрғонида кўча қурилиши (1 этап)
Бошланғич нархи ҚҚС билан — 148 176 730 сўм;
Бошланғич нархи ҚҚСсиз — 123 480 608 сўм
Қурилиш муддати — 90 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: **Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.**

Буюртмачининг манзили:

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси — 30.
Тел.: 8 (367) 227-63-86.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февраль ПП-1475-сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, иншоотларни мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади. Танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда, мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ, қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдоларн ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилиш мумкин:**
тел/факс: 8 (367) 227-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб **30** кундан кейин ўтказилади.

ҲАМКАСБЛАР ХОНАДОНИДА

АЁЛ — ОИЛА МЕҲВАРИ

Меҳр-мурувватли шу кунларда Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси, тажрибали журналист Муҳаббат Ҳамидова билан учрашиб, анчадан буён дилимга тугиб юрган мавзу — оила мустаҳкамлигида аёлнинг ўрни масаласида суҳбат қуриш, фикр ва мулоҳазаларидан газетхонларни ҳам баҳраманд этиш эди.

Очиғини айтганда мусоҳабамиз мавзуси опани бироз ўйлантириб қўйди.

— Оила бу икки инсон — эркак ва аёл иттифоқидан тузилган кичик бир жамоа, — деди у бироздан сўнг. — Бу иттифоқ муваффақияти — жамиятнинг, пировардида мамлакатнинг ҳам муваффақияти ҳисобланади. Инсон бахтни аввало оиласида бўлишни истайди. Билсангиз, унинг калити аёлнинг — оила бекасининг қўлида. Чунки аёл — оила меҳвари. Атрофидагиларни жипслаштирувчи куч. Аёл ана шу кучни ўзи оқила, билимли ва тадбиркор бўлса ҳис қила олади.

Муҳтарам Юртбошимиз қизларимизни билимли, касб-ҳунар эгаси бўлишини қайта-қайта уқтираётганлари замирида ҳам жуда катта ҳикмат бор. Зеро, қиз бола эртага она, оила бекаси бўлади. Ва оиланинг тақдири маълум маънода унинг зиммасига тушади. Маҳалламизда ниҳоятда чаққон, қўли гул пазанда Моҳирахон исмли аёл бор. У ёпган сомса, пиширган норин, турли ширинликлар ҳаммани маҳлиё этади. Бирор тўй, лозиманда бўлса унга мурожаат қиламиз, таянамиз. Турмуш ўртоғи, болалари унга кўмакчи. Шу ҳунари туфайли маҳалладаги аёлларнинг юкини енгил қилибгина қолмай, ўз рўзғорини бут бўлишига эришяпти. Нафақат болалари, балки 3-4 та қўшни аёлларни ҳам иш билан таъминланишига эришди.

Яна бир мисол, болалигимизда бувим маҳалладошлари ҳақида гапирганларида, "Хосиятхон жуда маънили аёл-да, суҳбатига тўймайсан", ёки "Назирахон болаларини жуда бамаъни қилиб тарбиялабди, ишида ҳам, одобида ҳам нуқсони йўғ-а", деганларига кўп гувоҳ бўлардим. Халқ тилидаги ана шу оддийгина маънили, бамаъни, деган сўзлар маънавиятнинг халқона ифодаси бўлса керак.

Аслида ҳам маънавият бу мукаммал тарбия, бой ички олам, инсоннинг сурати ва сийратида акс этиб турган одоб.

Аёл маънавиятининг ёрқин намунасини мен Ўзбекистон Қаҳрамони, ардоқли устозимиз Зулфияхоним сиймосида кўрганман. Биз опа билан бир қаватда, бир соҳада ишлаганмиз. У пайтда биз айни бўй етган, гўзалликка ташна қизлар эдик. Бироқ кийинишда ҳам, соч турмагию, юриш-туришда ҳам опанинг меъёрини ҳисобга олар эдик. У киши ҳеч қачон баланд овозда гапирмасди, баланд овозда кулмаганлар ҳам. Холида Аҳророва, Ойдин Ҳожиевалар ҳам биз учун маънавиятнинг, аёл одобининг мезони бўлишган. Чунки улар замонавийлик билан миллийликни ўзида ифода эта олган зиёли, маънавиятли ўзбек аёллари тимсолидир. Шунданми, маънавиятда миллий қадрият, миллий урф-одатларимиз дуне маънавияти дурдоналари билан бирлашган бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Ўзбек аёли маънавиятли она, маънавиятли уй бекаси, маънавиятли умр йўлдоши бўлиши керак. Ички олами бой, менталитетимизга мос ахлоқ-одоб эгаси бўлган аёлнинг уйида ҳамиша ораслик, осойишталик ҳукмрон, турмуш ўртоғи бахтиёр, фарзандлари баркамол бўлади. Ҳуда-бехуда нолишлар, имконияти-сиз ишларни талаб қилиб оилада нохушлик чиқариш аёл маънавиятининг пастлигидир.

Ҳамкасбимиз суҳбат маромини ўзи белгилаётгани учун халақит қилгим келмади. Ахир, салкам қирқ йилдан буён журналистика соҳасида ишлаб келаётгани, озми-кўпми матбуотимизда ўз ўрнига эга, бир неча китоблар муаллифи оила ташвишлари, фарзандлар тарбияси билан ижодни баравар олиб бораётган суҳбатдошга бирор савол бериш ҳам душвор эди.

— Ёшлигимда таниқли журналистлар Холида Аҳророва, Фарида Усмонова, Қутби Носирова, Раҳима Шомансуроваларнинг бири-биридан доно фарзандларини кўриб, ҳавас қилганман, — сўзида давом этади у. — Бундай чиройли тарбияни қачон бериб улгуришган экан, деб ўйлаганман. Кейин билсам, тарбия соат, вақт билан ўлчанмас экан. Онанинг юриш-туриши, сўзлаш оҳангигача боласи учун ибрат, тарбия мактаби эканлигини тушуниб етдим. Матбуотимизда ўз овози, ўрнига эга бўлган Мафура Муҳамедова, Гулчеҳра Жамилова, Феруза Жалиловалар ҳам оиласини гулдай яшнатиб, фарзандларини ватан учун керакли инсонлар қилиб тарбиялаган ижодкорлар. Улар нафақат фарзандлари балки миллат болалари тарбиясида ҳам ўз ҳиссаларини қўша олган ижодкор оналардир. Ижодкор аёл мақола ёки лавҳасини ёзаётганда биринчи навбатда ўзининг ўғил-қизи, тарбия мезонлари кўз ўнгида туради. Ва яна шуни ҳам таъкидлашни истардимки, биз аёл журналистларни яйраб ижод қилишимизда жамоанинг, таҳририят раҳбариятининг эътибори, қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада менинг омадим кулган. Бирор мақола ёки ҳикоя ёзмоқчи бўлсам бўш вақт топиб беришади. Яхши ҳикоям ёки публицистикам учун мақтов эшитаман. Аслида ҳам аёлга биринчи навбатда меҳр ва рағбат керак.

Минг шукр, ҳозир мамлакатимизда аёлларга меҳр, эътибор кучли. Бу ғамхўрлик хотин-қизларимиз ўзлари ҳам англаб етмаган иқтидорларини ҳам юзага чиқишига омил бўляпти. Бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида улкан ютуқларга эришаётганимиз, дунёни манаман деган олимларини доғда қолдираётганимиз, тадбиркорлик, ақл-заковатимиз, санъатимиз билан мамлакатимиз ривожига қўшаётган ҳиссамиз ҳам ана шу меҳр, ана шу рағбат меваси деб биламан.

Бахт узук эмас. Уни биров бармоғингга тақиб қўймайди. Бахт олинади, берилмайди. Бахтли бўлишни истаган аёл иродали, сабр-қаноатли бўлиши керак, деб ўйлайман. Аёл учун бахт биринчи навбатда оилавий хотиржамлик, қўллагувчи умр йўлдоши, солиҳ фарзанд, юрт тинчлиги, осойишталиги. Бу нарсаларнинг борлиги минглаб, миллионлаб аёлларнинг, оналарнинг чинакам бахтидир. Мен ҳам ана шундай аёллар сафидалигимдан бахтиёрман.

Насриддин БОТИРОВ
суҳбатлашди

БУ ШУНДАЙ ТУЙҒУКИ...

ОНА ЮРТИМ, ОТА МАКОНИМ!

Жиззах мен туғилган диёр. Юракда неки эзгу туйғу бўлса, ҳаммаси шу масканда уйғонган. Шу боис, киндик қоним тўкилган замин олдида ҳамиша таъзим қилиб, унинг олдида ҳисобот беришга ўзимни бурчли, деб биламан.



Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент фотосуратлар уйи ҳамкорлигида Мустаҳкам оила йилига бағишланган «Она юртим — ота маконим» деб номланган шахсий фотокўргазмамни ўтказиш учун Жиззах шаҳрига йўл олиш асносида юртимизнинг турли вилоятларида бўлиб жамлаган фотосуратларимни бирма-бир кўздан кечирдим. Уларни тартибга келтирарканман, юртимизда истиқомат қилаётган бахтли оилалар ва уларда вояга етаётган қувноқ болаларнинг шодон чеҳрасини фотолавҳаларда акс этира олганим учун ишларимни кўриб, кўнглим қувончга тўлди. Фотожурналистлик касбимнинг нақадар зарурлигидан фахрга тўлдим.

Мусаффо осмони чарақлаб, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган юртдагина болаларнинг шодон кулгусини эшитиш мумкин. Мен ўз фотосуратларимда ана шундай бахтли болаликни тасвирлашга алоҳида эътибор қаратдим. «Ҳузур», «Бешик боласи – бек боласи», «Бекаликка тараддуд», «Эртамиз эгалари», «Боламнинг боласи» каби ишларим шулар жумласидандир.

Не-не ҳаяжон билан кўрилган узоқ тайёргарликдан сўнг Жиззах санъат коллежида мен орзу қилган фотокўргазма очилди. Унда юздан ортиқ фотосуратлар томошабин эътиборига ҳавола этилди. Мустақил Ватан манзаралари, бахтиёр болалик, оналик қувончи, гўзал табиат билан боғлиқ мавзулар ижодий ишларимнинг асосини ташкил қилди. Ҳар бир ишимда миллий руҳнинг устунлигини таъминлашга интилдим.

Жиззах вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати раҳбарияти таклифига биноан мазкур даргоҳда ҳам фотокўргазма ташкил этдик. Жўрамурод Солиев раҳбарлигидаги лицейда очилган кўргазма ўзгача кўтаринки руҳда ўтди. Эрталабдан лицей ҳовлиси байрамона қиёфа касб этди. 2011 йили қайта реконструкция қилиниб, 310 ўринга мўлжалланган ушбу санъат даргоҳида ҳозирда 200 нафар иқтидорли ўғил-қиз рассомлик, наққошлик, ҳайкалтарошлик, миниатюра, гиламдўзлик, зардўзлик, каштачилик, тикиш-бичиш каби ўнлаб йўналишларда ҳунар ўрганишмоқда. Қувонарлиси, кўргазмага Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 3-босқич талабаси Нилуфар Солиеванинг ранг-тасвирдаги ишлари ҳам қўйилиши кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Кўргазманинг учинчи куни жажжи болажонларнинг байрамига тўғри келгани мени янада севинтирди. Шу боис, Пахтакор туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият саройи ҳовлисида она ва бола мавзусига бағишланган навбатдаги кўргазмани ташкил қилдик. Куй-қўшиқ тинглаб, ўйнаб кулаётган болажонларнинг фотосуратларни мароқ билан томоша қилиши кўнгилни қувонтирди. Улар чиндан ҳам ўзгача бир олам. Бундай лаҳзаларда «Қанийди, бир сонияга бўлса-да, болага айланиб қолсайдим», деб орзуланади киши. Фотосуратлар ёнига «Энди фақат қулиб яшайман» деб номланган шеър китобимни ҳам қўйгандим. Ота-оналар ва ўғил-қизларнинг «Китобингизни сотасизми?» деган сўзини эшитиб, қувондим. *(Баъзилар «Ёшлар китоб ўқимай қўйишди», деб ёзғришади. Аслида эса...)* «Бугун байрам! Шу сабабли китоб сотилмайди, аммо совғага берилади!» деганимда, улар хурсанд бўлишди. Шу куни 120 дона китобимни китобсеварларга тақдим қилганимдан мен ҳам хурсанд бўлдим.

Қисқа қилиб айтганда, фотокўргазма кўнгилдагидек ўтди. Тошкентга қайтар эканман, юрагимда янги орзулар қанот ёзди. Бу туйғу ҳаётимизни безаб, яшашга бўлган иштиёқимни оширди. Шундай экан, имкониятим, куч-қувватим етгунича ўзбек бадиий фотографияси ривожи учун ўз ҳиссамни қўшишга ва шу орқали турли халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этиб, фарзандлик бурчимни оқлашга ҳаракат қиламан.

Назира БОЙМУРОДОВА

МУТОЛАА

Бедор қалб туғёнлари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида иқтидорли шоир Зикрилла Неъматнинг "Онам эккан райҳонлар" номли сайланма китоби нашр этилди. Китобдан шоирнинг турли йилларда ёзилган шеър, ғазал, туюқ, мухаммаслари, баллада ва достони, шунингдек, қардош халқлар адабиётидан ўгирган шеърлари жой олган.

Китобдаги шеърлар "Умр карвони", "Бахтлар бешиги", "Муҳаббатсиз яшаб бўлмас", "Саккизинчи мўъжиза", "Қуёш бўлиб порлар меҳру оқибат", "Она табиат сенга минг таъзим", "Эртаклар ўлкаси", "Нурли Бухором" каби етти бўлимга ажратиб, тартиб берилган. Бу рукнлардаги шеърларда Ватан, севги-муҳаббат изтироблари, бахт, соғинч, армон туйғулари тараннум этилади. Чунончи, шоир "Дунёга келдинг-у..." шеърида шундай сатрларни битади:

Ҳар тонг уйғонмасанг дилда ишқ билан,
Булбулга жўравоз бир қўшиқ билан,
Ёв келса, чиқмасанг қўлда тиғ билан,
Дунёга келдинг-у, келмадинг нима,
Сен инсон бўлдинг-у, бўлмадинг нима?!

"Бахтлар бешиги" рукнида берилган шеърларида она Ватанни улуғловчи мисраларни учратасиз. Шоир ўз юртида ўзгаришлар, янгиланишларни улуғлайди. Масалан, "Пўлат мисралардан яралган достон" шеърида шундай сатрларни ўқиймиз:

Бу йўллар — кўп қадим, улуғ йўллардир,
Атрофи тоғу-тош, дашту-чўллардир.
Бу қутлуғ йўлларнинг бунёдкори ким?!
Заҳматкаш, забардаст, қадоқ қўллардир.
Халқим қудратидан олий бир нишон,
Бу йўллар — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон.

Шоирнинг "Қуёш бўлиб порлар меҳру оқибат" рукнидаги шеърларида одий инсонлар ҳаёти мадҳ этилади. Шоирнинг "Ёмондир", "Отажон", "Қишлоқ соғинчи", "От минганлар", "Бободеҳқоним" каби кўплаб шеърларида фалсафий мушоҳадалар юритилади. "Умр қадри" шеърида шундай ёзади:

Аросатда қолманг, эй, аҳли одам,
Дунёнинг Ғарб ила Шарқини билинг.
Олам сирларини билмасангиз ҳам,
Одамнинг одамдан фарқини билинг!

Хулоса қилиб айтганда, Зикрилла Неъматнинг бу китобидаги ғазал, туюқ мухаммасларида қалб туғёнлари тараннум этилади. Шеърларидаги мусиқийлик ўқувчини ўзига маҳлиё этади. Сатрлардаги соддалик шеърхонни ажиб ҳистуйғуларга солади.

Рустам МАННОПОВ,
тадқиқотчи

"Шу-шу" домла ким?

...Олий ўқув юртининг катта маърузалар зали. Ўқитувчи маъруза ўқияпти. Бироқ тингловчиларнинг хаёли бошқа ерда. Айримларининг энсаси қотган, айримлари эса мийиғида ниманидир санашяпти.

Диққатимни жамлаб эътибор берсам, талабалар устозимизнинг ҳар уч гапнинг бирида такрорлаётган "демак" сўзини бирма-бир ҳисоблашаётган экан. Азал-азалдан инсон гўзалликка интилади: кийиниши, юриш-туриши, ҳаттоки, сўзлашишида ҳам барчага бирдек ёқишни истайди. Лекин бу сифатларни бир одамда жам этиш мушкул. Айниқса, нутқдаги жузъий камчиликлардан халос бўлиш анча қийин масала. Биргина сизу бизнинг тилимиз канда қилмайдиган "ўша", "ҳалиги", "нарса", "демак", "хўш" каби қайтариқ аудиторияда салбий таассурот уйғотиши, шубҳасиз.

Энг ёмони, бу нутқий одатлар инсонга тахаллус тўқилиши билан якун топади. Масалан, "Шу-шу домла" сингари. Шу ўринда савол туғилади: нутқий одатлар қандай пайдо бўлади? Уларни қандай бартараф этиш мумкин?

Мутахассисларнинг фикрича, инсонларда нутқий одат ёшликдаги муҳит, оила, жамоадаги шароит туфайли ёки ҳаддан ташқари қўрқув ёки асаб тизими билан боғлиқ муаммолар натижасида ҳосил бўлар экан.

— Бу одатлардан халос бўлиш учун турли психологик тренинглар ўтказилиши мақсадга мувофиқ, — дейди руҳшунос Нодира Жўраева. — Ёки уй шароитида қуйидаги машқни ўтказиш ҳам мумкин: ўз овозини диктофонга ёзиб олиб, уни тинглаш ва кейинги гал овоз ёзаётганда нутқий одатни такрорламасликка ҳаракат қилиш. Бу машқни қайта-қайта такрорлаш, албатта, фойда беради. Айниқса, кишига ўзини бошқариш, руҳиятини бир маромга тушириб олишда, қўрқув ва ҳаяжонни йўқотишда кўмаклашади.

Инсон эзгу орзу-мақсадларига эришиши учун бир фоиз қизиқиш, тўқсон тўққиз фоиз ҳаракат зарур. Демак, ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ. Бу борада олий ўқув юртларида ёшларга таҳсил бераётган устозлар, айниқса, ўз устида ишлашлари талаб этилади.

Холида АБДУЛЛАЕВА,
Наманган вилояти
"Ёш журналистлар"
тўгараги аъзоси

Фотоайбнома

«УСТОЗ»НИНГ БИЛМАГАНИНИ БИЛ!

Тошкент Тиббиёт академияси қабул ҳайъатидан лавҳа
Редфото

ДАРАКЛАР

ГОНКОНГ ЖИНОЯТЧИЛАРДАН ТОЗАЛАНМОҚДА

"France Presse" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, Гонконг полицияси томонидан ўтказилган рейдлар натижасида "Триад" номли маҳаллий жиноий гуруҳнинг 90 га яқин аъзоси қамоққа олинди.

Маълум бўлишича, 14 ёшдан 73 ёшгача бўлган жиноятчиларнинг 16 нафарини аёллар ташкил этган. Улар турли кўринишдаги жиноятларда айбланмоқда. Ноқонуний казиноларни юритиш, гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиш ва спиртли ичимликларни қалбакилаштириш шулар жумласидандир.

Ҳозирча ўтказилган операцияларга батафсил тафсилот берилгани йўқ, фақат жиноий гуруҳ ичига кириб олган полиция ходимлари саъй-ҳаракати туфайли рейдларнинг муваффақиятли кечгани айтилмоқда.

2013 ЙИЛДА МАРСГА



Ҳиндистон Марс сайёрасини тадқиқ қилишда қатнашадиган давлатлардан бирига айланиш истагида. Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, бу ҳақда мамлакат бош вазири Манмохан Сингх маълум қилган.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, Марсга космик аппаратни жўнатишни кўзда тутувчи дастурни амалга оширишга ҳукумат 100 миллион доллар ажратишга тайёр. Мазкур дастурни амалга ошириш учун деярли ҳаммаси тайёр ва космик аппарат Марсга 2013 йили учирилиши мумкин.

Ҳиндистон ҳукуматининг таъкидлашича, космик дастурларга маблағ сарфлаш мамлакатга фан ва технологиялар соҳасини ривожлантиришга ёрдам беради.

ШИРИҚТИРИШ ЧЕМПИОНАТИ

Финляндияда уяли алоқа аппаратларини узоқликка улоқтириш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Турнирда турли мамлакатлардан 50 дан ортиқ киши қатнашди.

"France Press" ахборот агентлиги берган маълумотларга қараганда, мусобақада мезбон сифатида иштирок этган 18 ёшли Ере Кариалайнен ўзининг мобиль телефонини 101,46 метр масофага улоқтириб, жаҳон рекордини ўрнатди. Жанубий Африка вакили Жереми Галлоп эса 94,67 метр натижа билан иккинчи ўринни эгаллади.

Уяли алоқа аппаратларини улоқтириш бўйича чемпионат 2000 йилдан буён уюштириб келинади. Унда барча кўнгиллилар иштирок этиши мумкин.

"ЛОНДОН-2012": ЎЙИН ИЧИДАГИ ЎЙИНЛАР



"France-Presse" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) ВВСни ўз мақоласида AIBA Олимпиада ўйинларидаги бокс мусобақаларида порахўрликка йўл қўйилаётганига шама қилгани учун судга берди.

ВВС интернет сайтида берилган мақолада Лондонда ўтган бокс беллашувларида ҳакамлар кўп вазиятларни нохолис баҳолагани айтиб ўтилган. Айниқса, 1 август куни ўтказилган 56 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги мусобақанинг 1/8 финал босқичида япониялик Сатоси Шимицу азербайжанлик Мамед Абдулгамидовни 6 марта нокдаундга учратган бўлса-да, рефери Мамедни ғолиб деб топди. Япониялик мазкур жанг ҳакамлигига қатъий норозилик билдириб, ғалабани ўз ҳисобига ёздириб қўйишди. Туркманистонлик ҳакам Ишангули Меретниязов эса мусобақалардан четлатилди.

ВВС сайтида чоп этилган мақола учун қандай чора кўрилиши ҳозирча номаълум бўлиб турибди.

ҚУЁШДАГИ ЁРИҚ НИМАДАН?



Чет эл ОАВлари берган маълумотларга кўра, Қуёш юзасида пайдо бўлган улкан қора ёриқнинг узунлиги деярли миллион километргача етган ва у катталашишда давом этмоқда.

Олимлар айрим адабиётларда келтирилганидек, Қуёш портлаб ерни йўқ қилиб юбориши ҳақидаги тахминларга қўшилишга шошилишмаяптилар. Чунки Қуёш гелий ва водород, яъни газлардан таркиб топган. Бу нисбатан совуқроқ ҳисобланган газлар Қуёшнинг дарз кетишини инкор этади.

Қуёшдаги улкан ёриқ газли ёнғинлар сабаб юзага келган, деб тахмин қилинмоқда.

КУЧЛИ АСАБ БУЗИЛИШИ ОҚИБАТИДА



Кучли руҳий сиқилиш ҳамда сурункали асаб бузилиш ҳолати мия ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Бу инсоннинг билимларни ўзлаштириш қобилиятини сустлаштиради. АҚШнинг Йель университети мутахассислари ўтказилган қатор тадқиқотлардан сўнг ана шундай тўхтамга келишди, деб хабар беради "Medical Xpress" портали.

Олимлар турли психологик ҳолатлардаги мижозларнинг мия тўқималарини текширувдан ўтказишди. Буни қарангки, руҳий сиқилиш ҳолатида мия тўқималари ўртасида алоқа воситасини бажарувчи бир нечта ген фаолияти ишдан чиқиши аниқланди.

Уларнинг фикрига қараганда, тадқиқот натижалари келажакда руҳан сиқилган беморларни даволашнинг янги усулларини яратишда қўл келади.

ДАВОМАТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН

Германия меҳнат вазири Урсула фон дер Ляйен мактабда дарс машғулотларини қолдирган ўқувчиларнинг ота-оналарига жарима солишни таклиф қилди. Вазир "Berliner Morgenpost" нашрига берган интервьюсида бу ҳақда ўз фикрини билдирди.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатдаги ишсизларнинг ярмидан кўпини ўрта умумтаълим мактабларини тамомламаган ёки яхши ўқимаган кишилар ташкил этади. Германия ўқитувчилари уюшмаси ҳисоботига қараганда, мамлакатдаги 11,4 миллион ўқувчидан 200 минг нафари дарсларни мунтазам қолдиради.

ҚУЛОҚЛАРИДАН АЙРИЛИБ ҚОЛИШДИ

Украинанинг Черкасс шаҳрида истиқомат қилувчи икки нафар қиз пластик операциядан сўнг қулоқларидан айрилиб қолди. Аслида улар қулоқларини бироз кичрайтириш ниятида эдилар.

Мижозларнинг сўзларига қараганда, жарроҳ уларни операция тез ва муваффақиятли ўтишига ишонтирган. Аммо, операциядан сўнг бир неча соат ўтиб, бинт боғламалари олиб ташлангач, уларга қўшилиб қулоқлар ҳам ажралиб чиққан. Натижада жабрдийдаларнинг тахминан 3 йили шифохонада ўтди. Бу вақт оралиғида улар хатони тўғрилашга қаратилган 14 та операцияни бошдан ўтказишди.

Мазкур ҳолат бўйича маҳаллий прокуратура ўтказган текширувларда аниқланишича, операция чоғида кекса ҳамшира зарур кимёвий аралашма ўрнига адашиб, асбоб-ускуналарни дезинфекция қилишда фойдаланиладиган суюқликдан фойдаланган.

АНТИҚА МАШИНА

Испанияда "Hiriko" номли антиқа автомобиль тақдимоти бўлиб ўтди. Антиқалиги шундаки, "Hiriko" йиғилиши ёки тахланиши мумкин. Унга машина турар жойларида бор-йўғи 1,5х1,5 метр жой кифоя. 16 минг АҚШ доллари миқдорида баҳоланаётган машина 2013 йилнинг бошида сотувга чиқарилиши кутилмоқда.

Бир марта қувватланиб олинган автомобиль 120 километр масофани соатига 110 километр тезликда босиб ўтиши мумкин. "Hiriko"нинг балонлари 90 градусга бурилиш имконига эга бўлгани учун бемалол ёнбош томонларга ҳам ҳаракатлана олади.

Машина нархи қиммат деб баҳоланаётган бир пайтда "Hiriko" ижодкорлари янгилик истемолчилар томонидан ижобий кутиб олинишига шубҳа қилишмаяпти.

ПИВОХЎР АЙИҚЛАР

"The Local" нашрининг ёзишича, Норвегия шимолидаги Ярфьорд қишлоғидаги уйлардан бирига кириб олган она айиқ ва унинг уч нафар боласи юз банка пивони паққос туширган.

Уй эгаси Ивен Бортен Нильсеннинг айтишича, айиқлар уйнинг ташқи девор қисмини бузиб ичкарига киришган ва уйдаги барча ширинликларни ейишган, шунингдек, байрам учун олиб қўйилган юз банка пивони ҳам ичиб тугатишган.

Нильсенлар оиласи маззахўрак бўлган бу айиқлар уйга яна ташриф буюриши эҳтимолдан холи эмас, деган фикрда. Чунки ташриф айиқлар учун кўнгилдагидек ўтгани шубҳасиз.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

Озғир ва шарафли йўл

Истиқлол ҳар қандай халқ ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган жамият қуриш, миллий давлатчиликка асос солиш, ички ва ташқи сиёсатни дахлсиз олиб бориш имкониятидир

ХХ асрда дунёда бу борада мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг мутеликда кун кечириб келган бир қатор давлатлари миллий озодлик ҳаракати натижасида ўз мустақилликларини қўлга киритдилар. Аср ниҳоясида эса социализм деб аталган тоталитар тузум — зўравонлик ва тазйиққа асосланган коммунистик мафкура таназзулга учраши, «қизил империя»нинг барбод бўлиши унинг таркибига кирган ва шарқий соцлагердаги давлатлар учун ҳам том маънода мустақиллик мақомини қўлга киритиш имконини яратди.

Шарқий Европа мамлакатларида қарийб ярим аср ҳукм сурган тоталитар давлат тузуми емирилиб, янги демократик тартиботлар қарор топди. Жумладан, Югославия Федерацияси парчаланиб, унинг ўрнида бир неча мустақил республика, Чехословакия ўрнида Чехия ва Словакия суверен давлатлари вужудга келди. Икки хил тузум ҳукмрон бўлган икки Германия ягона оилага бирлашди.

Тан олиш керакки, кимгаки муте бўлган мамлакатларда маҳаллий аҳолининг қадр-қиймати топталди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт сустлашди, илм-фан, адабиёт, санъат назорат остида қолди. Маънавият ҳукмрон мафкура талабларига бўйсундирилди.

Мустақиллик йўли ҳеч қачон равон бўлмаган. Уни сақлаб қолиш эса ниҳоятда мураккаб ва оғир вазифадир. Дунёнинг сиёсий харитасида 250 га яқин давлат борлиги, уларнинг 192 таси БМТ аъзоси эканини назарда тутсак, ҳали ҳам айрим давлатларнинг эркини чеклашга қаратилган, уни асоратда қолдиришни кўзда тутган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар давом этаётганига гувоҳ бўламиз.

Ана шундай хуружлар остида қолган мамлакатлар эса оғир қарздорлик домидан, ўзаро ички ихтилофлар ва зиддиятлар гирдобидан чиқолмаяпти. Ички низолар тинмаётган минтақаларда бегуноҳ одамлар нобуд бўлаётгани, қон тўкилаётгани, халқ хўжалиги юз миллионлаб зарар кўраётгани, мол-ҳол қаровсиз, далалар экинсиз қолиб кетаётганига Афғонистон, Покистон, Судан, Сомали, Ироқ сингари бир қатор нотинч мамлакатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

«Ортга қайтиш йўқ энди. Олдинда битта йўл бор: истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Эски тузумга қайтиш, бўйнимизни яна ўша эски бўйинтуруққа тиқиб бериш, яна такрорлаб айтаман, минг йиллик тарихимизга, халқимизга, бугун бизга умид билан боқиб турган фарзандларимизга хиёнат, келажак авлодларимиз асло кечирмайдиган гуноҳ бўлади!

...Агар юртимизнинг дардларини англамасак, аждодларимизнинг озодлик ҳақидаги муқаддас васиятларини амалга оширмасак, айтинглар, азиз биродарлар, биз нима деган одам бўламиз? Агар юртимизнинг чин маънода мустақил бўлишини таъмин этолмасак, кейин қандай бош кўтариб юрамиз?!»

Юртбошимиз томонидан 1994 йилнинг 5 майида — Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессиясида айтилган ана шу оташин сўзлар яқин тарихимизни ёдга солади, албатта.

Шукрки, Президентимиз таъкидлаганидек, бугун Ўзбекистон халқи бошини баланд кўтариб юриш бахтига муяссар бўлди. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги айрим мамлакатлар ҳанузгача қарздорлик, нотинчлик ва бекарорлик ўчоғидан узоқлаша олмаётган бир пайтда Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб, мардона олға интилди. Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида ўтган 21 йил давомида Юртбошимиз раҳнамолигида фақат ва фақат олдинга интилмоқдамиз.

Тарихга мурожаат қилсак, суверенитет атамаси биринчи бўлиб француз юристи Жан Бодэн томонидан тилга олинганлигига гувоҳ бўламиз. 1648 йилдаги Вестфалия тинчлик битими эса барча Европа давлатларининг суверен ҳуқуқини тан олибгина қолмай, у ҳар қандай давлатнинг рамзи эканини кўзда тутувчи замонавий тизимнинг бошланишига асос солди. Худди шу даврдан эътиборан дунёда мустақил давлатлар сони кўпая бошлади. Вестфалия тинчлик келишуви биринчи навбатда Европа қитъасидаги қонли урушларга чек қўйибгина қолмай, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига асос солди.

Америкалик тарихчи, «Мустақиллик декларацияси: глобал тарих» асари муаллифи Дэвид Армитаж миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тасдиқловчи халқаро аҳамиятга эга бўлган навбатдаги ҳужжат 1776 йили қабул қилинган Америка мустақиллиги декларацияси бўлганини айтади. Унинг фикрича, Шимолий Америкадаги 13 та колония штатнинг Британия империясидан мустақил бўлишга қаратилган ва барча штатлар томонидан бир овоздан қабул қилинган мустақиллик декларацияси дунё қиёфасини тубдан ўзгартиришга, аниқроғи, уни «империя» дунёсидан «суверен» давлатлар дунёсига айлантиришга хизмат қилган. Кейинчалик Америка декларацияси намунасидаги мустақиллик ҳужжатлари юздан ортиқ давлатларда ҳам ёзилди.

Глобаллашув деб аталмиш замонавий дунёда ҳам инсоният ихтилофли жараёнлардан холи бўлолмаяпти. Айрим сиёсий кучларнинг геосиёсий мақсадларни амалга ошириш ниятида ташлаётган қадами жаҳон тинчлиги ва барқарорлигини хавф остида қолдираётганини, айрим сиёсатчиларнинг ўз мамлакати манфаатини бошқаларникидан устун қўяётгани дунё халқларининг ҳаловатини ўғирлаётганини таъкидлаш жоиз. Кузатувчиларнинг фикрича, агар вазият шу тарзда давом этаверса, ер куррасининг 200 га яқин можароли ҳудудлари муаммосини ечишда улкан қийинчиликлар келиб чиқади.

Умуман олганда, онасайёрамиздаги муаммоларни ечишда халқаро ҳужжатларга амал қилиш лозим. Ироқ уруши ҳам, Болқондаги можаро ҳам БМТ уставига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиққани бор гап.

Ваҳоланки, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига асосланган БМТнинг 1945 йилдаги Хартияси халқаро зиддиятлар ва можароларни ечиш учун куч қўллашни тақиқлайди. Хусусан, уставнинг 2-моддаси 4-бандида «БМТнинг барча аъзолари халқаро муносабатларда ҳам ҳудудий дахлсиз, ҳам сиёсий жиҳатдан мустақил ҳар қандай давлатга қарши куч билан таҳдид қилиш ёки куч қўллашдан тийилиши керак, зеро, бу ҳолат БМТ мақсадларига мос эмас», дейилади. 1970 йил Бош Ассамблея давлатларни БМТ уставига мувофиқ дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка чақирувчи декларацияни маъқуллаган. Ҳужжат, бир томондан, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсизлигига, иккинчи томондан, ўз тақдирини ўзи белгилаш, озодлик ва мустақиллик ҳуқуқини қўлга киритиш йўлида курашаётган халққа қарши зўравонлик ҳаракатидан тийилишга ишора этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда ҳар бир давлат халқаро саҳнада ўз манфаатинигина эмас, бошқаларнинг ҳам манфаатларини ҳурматлаш, халқаро қонунлар ва умумэътироф этилган меъёрларга риоя қилиш дунё тинчлиги ва барқарорлигининг кафолатидир.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ ахбороти

Ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра «Кучлик нефть базаси» УК балансидаги д/р 10/366AAA бўлган «ВАЗ-21063» — 1 420 000 сўмга; д/р 10 / 690FAA бўлган «ВАЗ-21214 — 126-20»6 670 000 сўмга; Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси балансидаги д/р 10AU737 бўлган «ВАЗ-21070» — 5 520 000 сўмга; Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси балансидаги д/р 08-98 ТНС бўлган «ГАЗ-2410» — 610 000 сўм сотилганлигини маълум қилади.

Реклама

Қибрай туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан 1996 йил 14 августдан №283-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган «Кетгут-Силк» очиқ ҳиссадорлик жамияти (СТИР 201578270) ташкилий-ҳуқуқий шаклини «Кетгут-Силк» масъулияти чекланган жамиятга ўзгартиришини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

«Кетгут-Силк» масъулияти чекланган жамияти «Кетгут-Силк» очиқ ҳиссадорлик жамияти барча турдаги мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Мурожаатлар учун манзил: Қибрай тумани, Геофизика қишлоғи, Дўстлик кўчаси 29ª-уй. Телефон: 261-21-01, 261-22-43.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Самарқанд шаҳридаги лойиҳавий Г-34 кўчаси 2-навбати қурилиши (Муқимий кўчасидан Ҳўжа Аҳрор Вали кўчасигача)	2 297 924 426 сўм	1 914 937 022 сўм	11,5 ой

Қурилиш ишлари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Жойлашган манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус 2Д, 403-хона, телефон: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 (ўттиз) кундан кейин, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.

Реклама

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 26 сентябрь куни соат 14:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Наманган шаҳри, Маҳмуд Таробий кўчаси, 21а-уйда жойлашган Вилоят "Давуруғназоратмаркази"га қарашли "ИЖ-2715011" русумли, д/р 16 AL 098 бўлган автотранспорт воситаси 364 058 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Шу куни автотраспорт воситаси сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2012 йил 3 октябрь куни соат 14:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир кун аввал соат 14:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302083379, 20208000104932168005 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Тел/факс: (8 369) 226-41-66

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2012 йил 31 июль куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Гулистон шаҳридаги "Нарцис сервис савдо" ҳусусий фирмаси омборида сақланаётган, Оқолтин тумани СИБ балансидаги:

1981 йилда и/ч "КамАЗ-5410" русумли, д/р 14 АЕ 005, бошланғич баҳоси 14 024 137 сўм бўлган автотранспорт воситаси 14 865 585 сўмга сотилди; 1987 йилда и/ч «ОДАЗ-9370» русумли, д/р 14 А 417, бошланғич баҳоси 5 235 678 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 549 810 сўмга сотилди; 1981 йилда и/ч «КамАЗ-53212» русумли, д/р Х 361 YYM, бошланғич баҳоси 22 698 326 сўм бўлган автотранспорт воситаси 24 060 226 сўмга сотилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2012 йил 15 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Қува тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, Қува тумани СИБ балансидаги:

1999 йилда и/ч «Тико» русумли, д/р 15 U 20 41, бошланғич баҳоси 8 582 875 сўм бўлган автотранспорт воситаси 9 890 000 сўмга сотилди; 2010 йилда и/ч «ISUZU» русумли, д/р 40 А 740 ВА, бошланғич баҳоси 38 250 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 44 045 000 сўмга сотилди.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ИДОРА

2012 йил 3 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Тошкент шаҳар, Себзор даҳаси, Марказ-17, 18-уйда жойлашган Давлат алоқа инспекцияси балансидаги:

2001 йилда и/ч «Тико» русумли, д/р 40 797 ЕАА, бошланғич баҳоси 1 869 462 сўм бўлган автотранспорт воситаси 2 700 000 сўмга сотилди; 2001 йилда и/ч «Тико» русумли, д/р 20 886 ВВА, бошланғич баҳоси 1 546 698 сўм бўлган автотранспорт воситаси 2 800 000 сўмга сотилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2012 йил 10 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Урганч шаҳрида жойлашган "Қишлоқхўжаликкимё" ХАЖ Урганч туман филиалига қарашли 1988 йилда и/ч "ЗИЛ ММЗ-45021" русумли, д/р 22 АД 767, бошланғич баҳоси 5 116 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 888 000 сўмга сотилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2012 йил 15 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Улуғнор тумани ИИБ ЙХХГ жарима майдончасида сақланаётган, Улуғнор тумани СИБ балансидаги 1990 йилда и/ч «М-412» русумли, д/р 17 L 99 16, бошланғич баҳоси 701 850 сўм бўлган автотранспорт воситаси 920 000 сўмга сотилди.

Гувоҳнома № 004059

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Ўн саккизга тўлмаганлар ишга қабул қилинадими?

— Бу йил коллежнинг биринчи курсини тамомладим. Компьютерни яхши билганим учун дарсдан бўш вақтимда ишласам дегандим. Лекин айрим муассасадагилар мени вояга етмагансан деб ишга қабул қилишмаяпти. Айтингчи, неча ёшдан ишга киришим мумкин?

А.Муҳаммадиев
Чирчиқ шаҳри

Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан бошлаб йўл қўйилади. 15 ёшга тўлмаган шахслар эса ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Таълим муассасасида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар эса 14 ёшга етганларидан сўнг ота-онасидан бирининг розилиги билан болаларнинг соғлиғи ва тарбиясига зиён етказмайдиган ҳамда таълим жараёнини бузмайдиган ишларни фақат ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилинади.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун банд қилинган иш жойларига иш берувчи маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юборилган 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Меҳнат қонунчилигида ёшларнинг иш вақти қатъий белгилаб қўйилган. Унга кўра, 15 дан 16 ёшгача бўлган ходимнинг иш вақти хафтасига 24 соатдан ошмаслиги лозим.

Саволга Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуслари Римма ЧУМАРИНА ва Ольга ЛАЧКАРЁВА жавоб берди.

Васиятномани бекор қилиш мумкинми?

— Мен яқин кишимга васиятнома қилиб мулк қолдирганман. Ҳозир уни бекор қилишим ёки ўзгартиришим мумкинми?

Б.Султонов
Хива тумани

Васият қилувчи ўзи истаган вақтида васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёки янги васиятнома тузиш орқали олдинги васиятномасини ўзгартириш ва тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа ваколатли мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

Саволга Хоразм вилояти Кўшкўпир туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси Гулнора МАДАМИНОВА жавоб берди.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

БАХТИМ ШУ — ТУҒИЛДИМ ЎЗБЕКИСТОНДА!

1

Ким қачон, қаерда туғилади — бу ўзига боғлиқ эмас.

Мен, айтайлик, эрамиздан аввал қадим Эллада тупроғида туғилиб, гладиаторлар жангида ҳалок бўлишим ёки ўрта асрларда занжи қул сифатида қўлма-қўл сотилишим, ёхуд XX аср бошида турли давлатларни ўраб-чирмаган қирғинбаротга дуч келиб, завол топишим ҳам мумкин эди. Агар Тақдири азал мени шу ёруғ Кунларга ва шу қутлуғ Заминга асраб қўймаганида...

Не бахтки, мен талотумларга тўла XX асрнинг тўртдан уч қисми адоғига етган бир пайтда, қуёш суйган замин — Ўзбекистонда туғилдим; айни навқирон ёшимда — эсимни таниб, мустақил ҳаётга қадам қўйишим лозим бўлган бир паллада жонажон Ватаним истиқлолга эришди; ҳаётимнинг, ижодимнинг тадрижий ривожланиши юртимнинг озод давлат сифатида оёққа туриши билан ҳамоҳанг тарзда кечди; тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битиладиган, келажак авлодлар ҳаяжон билан ўқийдиган оламшумул ҳодисаларга ўз кўзим билан гувоҳ бўлдим.

Бир сўз билан айтганда, янги даврнинг янги одами сифатида шаклландим, тарбия топдим ва озод, эркин давлатнинг фуқароси бўлиб яшаяпман, ўзлигимни намоён этишга ҳаракат қиляпман.

Ахир, омад дегани, бахт дегани шу эмасми?!

2

Ўша тонгни жуда яхши эслайман.

Эрталаб телевизорни қўярканман, мамлакатимиз Раҳбари Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида эълон қилганини эшитдим. Эшитдим-у, шодликдан ўзимни қаерга қўйишни, севинчимни ким билан баҳам кўришни билмай, ҳаяжоним тошиб, орқа ҳовлига югурдим.

Онам сигир соғиб қайтаётган экан.

"Ая, эшитдингизми, Ўзбекистон мустақил бўпти!" — дедим ҳовлиқиб. Ўсмир кўзларимдан чўғлар отилгандай бўлди.

"Эшитдим, — деди аям, — жуда зўр бўпти, муборак бўлсин, ўғлим!"

Бирдан дунё ёришиб кетгандай, теварак-атроф онамнинг қўлидаги сутдан тус олиб, нурга чулғангандай бўлди. Ёш шуурим ила англаб турардим: бугун нафақат менинг умримда, умуман, мамлакат тарихида нурафшон Тонг отган эди. Мана шу дамда, асрларга татигулик бахтиёр лаҳзада онам иккимиз бир-биримизни қутларканмиз, кўзларимизда севинч ёшлари жилваланарди...

3

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг ҳаётбахш самараларига халқимизнинг ўзи гувоҳ — кундалик турмушида кўриб, билиб, сезиб турибди.

Шу ўринда мен яна бир ҳақиқатни англадим: Истиқлолни фақат биз — тириклар, балки жисман марҳум, аммо руҳи барҳаёт аждодларимиз ҳам роса орзиқиб кутган экан!

Ҳар гал муқаддас қадамжоларни зиёрат қиларканман, ана шу ҳақиқатга дил-дилдан иқрор бўламан.

Шу йил ёзда ўспирин ўғлим Санжарбек билан Самарқанддаги обидаларни бирга зиёрат қилдик. У соҳибқирон Амир Темур мақбараси, кўҳна ва улуғвор Регистон ва бошқа тарихий обидаларнинг салобати, муҳташамлигидан бир ҳайратланган бўлса, ушбу қадамжоларнинг яқин юз йилликдаги ҳолатлари акс этган фотосуратларни кўриб, ҳайронлиги икки ҳисса ортди.

"Ота, бу иморатлар ҳозир жуда чиройли, олдин роса хароба бўлган экан-а?!"

Мен бу мўъжизавий бинолар аслида ҳам



шундай маҳобатли ва кўркам қурилганини, аммо турли даврлардаги қирғинбаротлар ва эътиборсизлик туфайли абгор ҳолга тушганини, Мустақиллик шарофати билан улар яна аввалгидек қад ростлаганини тушунтираман.

"Ҳа, биламан, тарих ўқитувчимиз айтган эди, лекин бунчалик деб ўйламаган эдимда..."

Имом ал-Бухорий ҳазратлари зиёратидамиз.

Келиб-кетаётган одамларнинг сон-саноғига етолмайсиз.

Барчанинг юз-кўзида — покланиш, тозариш, мадад олиш истаги. Қадамжога келаётганда мубҳам ўйлар қуршовида бўлган инсонлар бу ердан енгил нафас олиб, гўё қанот чиқаргандай, тиниқ ва тоза хаёллар билан ортига қайтаётир. Ҳа, тириклик чоғларида ўз илми, маслаги билан инсониятга фидойиларча хизмат қилган буюк боболаримиз бугун — Мустақиллик даврида ҳам эл-юрт корига камарбаста бўлаётир! Улар ўзларининг замону маконни писанд қилмас нурониятн ила қалбларимизни поклаб, руҳларимизни юксак парвозларга шайламоқда. Мухтасар айтганда, улар бизни янги жамиятга, янги давлатга муносиб бўлишга, юксак ғояларга таяниб, покиза, ҳалол яшашга ундамоқда.

Қаровсиз мақбараю обидалар — халқимиз кўксидаги аламли жароҳатлар эди. Шукрки, Истиқлол бу жароҳатларга малҳам қўйиб, соғлом маънавият асосларини қайта тиклади.

Зиёратдан қайтарканмиз, ўғлим бир қадар улғайгандай, кўзларидаги маъно жиддийлашгандай эди гўё.Зурриёдимнинг ҳам эртаси шу азиз Ватан келажагига чамбарчас боғлиқ эканини ҳис этарканман, қалбимни фахру ифтихор туйғулари чулғаб олди...

Қайси йили
Бир мадад тилаб,
Баҳоуддин пиримга бордим.
Ҳар бир кошин, устунни силаб,
Тиз чўкдим-у,
Ҳаққа ёлбордим:
"Эрк берганинг чин бўлсин, Тангрим,
Шукур сенга,
Минг бора қуллуқ.
Шу тупроққа киргунча таним
Сенга сажда қиламан... Қутлуғ
Ватан бердинг,
Тафти беқиёс,
Танти улус бердинг, гўзал тил.
Токи зиё сочаркан Қуёш,
Озодликни бизга пойдор қил!"

4

Бу йил кенжа қизим мактабга чиқади.

У 1 сентябрни катта ҳаяжон билан кутмоқда.

Йўқ, у ҳали ўқиш, сабоқ олиш завқи ва машаққатини ҳис қилмаяпти. Унинг ягона орзу-хаёли — тезроқ "Президент совғаси"-ни олиш!

Акасига, опасига ўқув анжомлари харид қилаётганимизда, "сенга сумка ва ўқув қуролларини Президент бобо беради!" деганимизда кўзлари чақнаб кетган эди: ўшандан бери интиқлик билан кун санайди.

Бу ҳаяжон фақатга бизнинг оиламизгагина хос эмас, албатта. Нега десангиз, бу йил мамлакатимизда 500 минг нафарга яқин жажжи ўғил-қизларимиз 1-синфга қадам қўймоқда. Тасаввур қилинг, бугунги кунда ярим миллион хонадонда ана шундай ҳаяжонли манзара ҳукм сурмоқда.

Табаррук совғалар билан илм олишни бошлаган дилбандларимиз эртага шу юртнинг умидини, ишончини оқлайдиган суянчиқларга айланиши шубҳасиз.

Зеро, болаларимиз бизлардан кўра зеҳнлироқ, зийракроқ. Улар сизу биз ҳижжалаб ўрганаётган уяли телефон ва компьютерлар тилини осон ва тез тушуниб олишмоқда. Бирор жиҳатига тушунмасангиз, "шуни ҳам билмайсизми?" дегандай ажабланиб қарайди ва шу заҳоти сизга ўргата бошлайди.

"Ҳа, булар Мустақиллик болалари-да!" — деймиз фахр билан.

Улар ҳар қанча зукко ва билимдон бўлишмасин, аммо бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: биз катталар уларнинг тарбиясига, маънавий етук инсон бўлиб ўсишига доимо масъулмиз. Негаки, билим эгуликка йўналтирилсагина, улуғ мақсадларга хизмат қилади. Зотан, мамлакатимизда йўлга қўйилган таълим-тарбия тизимининг асл моҳияти шундан иборат.

Бугун курраи заминда ўта мураккаб жараёнлар кечаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бирор юртни тобе қилиш учун ҳозир илгаригидек қурол-аслаҳалар билан бостириб келиш шарт эмас. Бир қарашда жозибали, аммо моҳиятан ёвуз эрмаклар, кўнгилхушликлар, оммавий маданиятнинг турфа унсурлари ва ёлғон ақидалар онгшуурларга ҳамла қилмоқда. Табиийки, бундай хуружлардан аввало пок, беғубор ва тажрибасиз болаларимизни асрашимиз шартдир.

Унутмайлик, бугун биз фарзандимизга китоб, дафтар ва қалам сотиб олаётган пайтда дунёнинг бошқа бир четида кимдир ўз боласи қўлига совуқ қурол тутқазмоқда. Биз ўғил-қизларимиз қалбига адабиёт, санъат намуналари орқали эзгу қадриятларни сингдираётган чоғимизда бошқа биров ўз фарзандига хунрезликдан сабоқ бермоқда.

Ғоялар, ақидалар тўқнашаётган шундай қалтис лаҳзаларда, Юртбошимиз даъватига қулоқ тутган ҳолда, огоҳ бўлишимиз, энг катта бойлигимиз — фарзандларимизни ёмон кўзлардан ҳимоя қилишимиз, уларнинг ўзимиздан-да бахтлироқ яшашига замин яратишимиз зарур.

Ки, сен каби дунёда ҳамма
Тўйлар қилиб, қурмас иморат.
Кимнинг иши — қилмоқлиқ ҳамла,
Кимнинг иши — жангдан иборат.
Сен болангни қучган паллада
Кимдир шайлаб турар бомбасин.
Кўкнорилар ўсган далада
Тўғрилайди сенга компасин.
Асра, элим, ўзингни ҳар дам,
Кўра билгин ёвуз лочинни.
Бериб қўйма човут солса ҳам
Кафтингдаги қалдирғочингни...

5

Ҳол-аҳвол сўраш учун қишлоққа,ота-онамга қўнғироқ қиламан.

Яқинлар, ҳамқишлоқлар аҳволини суриштиргач, одатдагидек "Нима янгиликлар бор?" дейман гап орасида.

"Э, янгилик кўп!" — дейди отам.

Хаёлимдан қишлоқда кимдир тўй қиляпти ёки бирор қариндошимиз уй қурмоқда, эҳтимол, машина олаётгандир, деган ўй ўтади.

"Келсанг, Булунғурнинг марказини танимайсан!"

"Йўғ-е, дейман ўзимча ажабланиб, ўша Булунғур бўлса, нега танимас эканман!?"

"Туманимиз маркази замонавий лойиҳа асосида бутунлай янгидан қурилмоқда", дейди отам қувончини яширмай.

Бирданига хурсанд бўлиб кетаман.

Тартибсиз бозор, бир-бирига урилган оломон, ўйдим-чуқур йўл, жой тополмай бир-бирига тумшуқ тираган машиналардан иборат манзарани хаёлимдан ўчириб, ўрнида муҳташам манзарани жонлантирмоқчи бўламан. Мустақиллик йилларида обод бўлган юзлаб гўшаларнинг кўркам қиёфаси тасаввуримга кўмак беради.

"Барибир ўзим бориб кўрмасам бўлмайди", дейман ичимда ва бирдан қишлоқни, соддадил, қадрдон одамларни соғинганимни ҳис қиламан. Ёдимга ўтган сафар қишлоққа борганим, юртдошларим билан қилган самимий суҳбатлар келади.

Очиғи, ҳар гал уларнинг офтобдан қорайган юзлари, меҳнатдан қадоқ бўлган қўлларини кўрганимда хижолат бўламан: шаҳарда юриб нимани дўндираяпсан, ёзган шеъринг, қилаётган кўрсатувларинг билан кимгадир нафинг тегяптими, дея ўзимни тафтиш қила бошлайман.

Танти, жайдари одамлар айрим оқбилак, мижғов кимсаларга ўхшаб ҳуда-беҳуда нолимайди, фисқу-фасод гаплари билан кўнглингизни оғритмайди, аксинча, ўзларининг тоза, беғубор гурунглари билан дилингизни яйратади. Йўқ, уларни дунёбехабар, оми десангиз, адашасиз. Мабодо бирор мавзуда баҳс уйғонса-ю, маҳмаданалик қилаётганингизни сезиб қолишса, аяб ўтиришмайди: бир "чўқиш"даёқ сизни қочиришади. Негаки, уларнинг далиллари ҳавойи, мавҳум эмас — мустаҳкам ҳаётий илдизга эга.

Қишлоққа борсам, тунги осмонни томоша қилишини яхши кўраман. Гўё қадимий салтанат хазинасига кириб қолиб, нодир дуру-жавоҳирларга маҳлиё бўлгандай, кўкдаги ой ва юлдузларга термулганча яйрайман. Ўзим учун қадрдон, шаҳарда йўқотиб қўйганим юлдузларни бирма-бир излаб, топиб, завқ туяман. Улар менга "Биз сени кузатиб турибмиз, эсингдами, болалигингда қандай улкан мақсадларинг бор эди, уларга албатта эришишинг шарт, тағин ҳаёт сўқмоқларида чалғиб кетиб, ўзлигингни йўқотиб қўйма — сен шу Ватаннинг бир бўлагисан!" деяётгандай бўлади.

Ойдин кеча.
Юраклар бедор —
Илғаш мумкин ҳар бир сояни.
Укам билан кечиб бедазор,
Суғорамиз маккапояни.
Чиқа бошлар қўни-қўшнилар,
Гангир-гунгур гурунг авжида.
Ёшу қари бирдай қўшилар,
Сўз оқади сувнинг мавжида.
Чигирткалар чириллар мастон,
Сайрар ҳануз ҳофиз бақалар.
Гап айланиб, охири аста
Сиёсатга бориб тақалар:
"Қайда ёнғин,
Қайда ғалаён,
Қайда эллар чекмоқда қайғу.
Шукур, бизда ҳаёт тинч,
Аён —
Юртбошимиз хизматидир бу..."

6

Яқинда мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтган, эл-юрт ҳурматини қозонган бир оқсоқол инсондан муваффақиятлари сирини сўрадим.

"Ҳаёт қонунларидан қўрқдим", деди у содда ва лўнда қилиб.

"Ҳаёт қонунлари? Яъни..." — изоҳ талаб қилдим.

"Донишмандлар айтганидай, дунёда ҳеч нарса тасодифий эмас: ҳар бир хас, ҳар бир тошнинг ҳам ўз ўрни бор, — деди у салмоқлаб. — Оламда яхлит уйғунлик ҳукмрон, у муайян тартибга бўйсунади. Ана шу илоҳий уйғунликда ҳар бир одам ўз ўрнини, вазифасини англаши, шунга мос яшаши лозим. Агар сиз ўзлигингизга хиёнат қилсангиз, ҳаёт кечирмайди", деди у.

Унинг гаплари мағзини чақарканман, мулоҳазаларини янада соддалаштирди: "Гапнинг пўстакалласини айтганда, оқ кўнгил ва тоза ният билан виждонан меҳнат қилдим!"

Демак, ҳар биримиз ўзимизга савол беришимиз керак экан: улкан эврилишлар даврида биз ўз ўрнимизни, вазифамизни аниқ-тиниқ билаяпмизми? Билсак, шунга мос равишда яшаяпмизми, ишлаяпмизми?

Ҳа, жавоб бериш осон эмас. Аммо алалоқибат пушаймон бўлмаслик учун бу саволларга албатта жавоб топишга мажбурмиз.

Эҳтимол, ҳамма ҳам қаҳрамон бўлавермас, ҳар ким ҳам оламшумул кашфиёт яратиб, ўз номини тарих дафтарига битиб қўёлмас, аммо барчамиз ўз ишимизга, вазифамизга сидқидилдан ёндашишга, ҳалол меҳнат қилишга масъулмиз. Бунинг учун баландпарвоз, жимжимадор гаплар билан минбарларни "гуллатиш" ҳам, ёлғондакам жонбозлик кўрсатиш ҳам шартмас, шунчаки, виждонан ишласак, ўз бахтимизни, фарзандларимизнинг эртасини шу юрт келажаги билан чамбарчас кўра олсак, бас. Ана шунда "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" деган қутлуғ шиорнинг кучини, моҳиятини қалбан ҳис қиламиз. Ана шундагина сув балиқ учун қанчалик қадрли бўлса, Ватан биз учун ана шундай ҳаётбахш маъво эканини англаб етамиз.

Ўзбекистон!
Онажон юртим,
Онам каби меҳрдир боринг.
Қайга борсам — сен билан юрдим,
Сен — юпанчим, номусим, орим.
Фахримсан Сен,
Номингни айтсам,
Юрагимга сиғмайди ғурур.
Олислардан соғиниб қайтсам,
Кўзларимни равшан қилган нур!
Қутлуғ бўлсин навқирон ёшинг,
Қутлуғ бўлсин бу ажиб байрам.
Силаркансан меҳр-ла бошим,
Пойингга тиз чўкарман мен ҳам...

Нодир ЖОНУЗОҚ

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

ҒУРУР ВА ТАҚДИР

Ғурур. У ҳар кимда ҳар хил даражада бўлади: кимдадир жуда баланд, кимдадир ўз меъёрида, яна кимдадир керагидан камроқ. Агар ғурур ҳаддан ортиқ кўп бўлса, одам манманлик отига миниб, оёғи ердан узилиши, ўзгаларни менсимай қўйиши мумкин. Токи, ақл кўзи очилиб, оёғи ерга теккунча ҳаммани қийнайди. Бундай тоифадаги кишиларни олимлар гиперғурурли инсонлар дейишади.

Ҳўш, нима гиперғурурликка олиб келади? Нега одамлар имконият пайдо бўлиши билан кеккайиб кетадилар?

Ҳаётий кузатишларим, иш жараёнидаги тажрибаларимга асосланиб айтишим мумкинки, бунинг тўртта сабаби бор. Биринчиси — ҳар хил йўллар билан қўлга киритилган бойлик. У кўпайган сари инсоннинг бойликка ҳирси орта боради. Манманликка берилади. «Менинг гапим — гап», — деб туриб олади. Иккинчи омили — лавозим. Амалга ўтирган зукко, фаросатли одамлар ўзлари ва бошқаларни ҳам бир кўзда кўриб, оқилона иш юритадилар. Аксинча, билим ва савияси, дунёқараши саёз киши мансаб отига миниб қолса, унинг олифтагарчилик, ўзидан бошқаларни оёқ учида кўрсатиш каби қилиқлари намоён бўла бошлайди. Энг ёмони, иккала ҳолатда ҳам инсонни чегарадан чиқишга ундовчи, бундан манфаатдор ҳайбаракалласчи лаганбардорларнинг ҳам борлигидир.

Учинчи ҳолатда гиперғурурлилар туғма бўлишади. Бунда бойлик ҳам йўқ, илм ҳам. Бундай инсонлар катталарни ҳурмат қилишмайди, танқид, эътирозни ёқтиришмайди, уларда мустақил фикр йўқ. Давранинг тўрига ўтириш ҳаракатида бўладилар, фаҳм-фаросатдан орқада бўлсалар ҳам ўзларини доно ҳисоблайдилар.

Тўртинчи гуруҳ — тўсатдан омади чопиб қолганлар. Билимини пеш қилиб, бошқаларни камситувчилар ҳам, афсуски, шуларнинг тоифасидан.

Хўш, ғурурни тақдир билан боғлаш мумкинми? Мумкин бўлса, бу бир-бирига зиддиятли боғланишми ёки...

Ғурур бир жиҳатдан иймонга бориб тақалади. Зеро, «Менда ғурур бор, бундай пасткашликни қилолмайман» ёки «Боламни етим қилиб қўйишга ор қиламан» қабилида фикр юритадиган ўз эътиқодига содиқ одамларни кўп кўрганмиз. Шунинг баробарида «Бундай куёв менинг тенгим эмас» ёки «Бу келин бизга асло тўғри келмайди, биз бойміз, улар олдин биз билан тенглашиб олсин, кейин гаплашамиз" деган гапларни ҳам маҳаллалардаги муҳокамалар чоғида тез-тез эшитиб турамиз. Шукрки, юртдошларимиз орасида "Маҳалла эшитмасин, биз уяламиз, ўзимиз келишиб кетамиз" деб тинч-тотув яшашга интилувчи ориятли кишилар ҳам кўп, албатта. Аммо ғурурлиман деб ҳеч ким билан ҳисоблашмайдиган одамлардан бирининг тақдирига бир назар солинг. Ана шунда ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади, деган гапга ишонасиз:

...Эрталаб эр ишга шошиляпти, унга ҳатто нонуштасиниям тайёрлаб бермаган Сарвиноз:

— Мен бугун уйимга бориб келаман, бувим ўғлимизни соғинибдилар. Ўн минг сўм ташлаб кетинг. Ҳали бу пул бирор нарса олишимга етмаса ҳам керак, — деб қолди.

— Уч кун олдин уйингда бўлдик, ҳаммани кўриб қайтдик. Кейинги ҳафтада бирга борармиз, — деди бунга жавобан эри.

— Нега тушунмайсиз, ахир, кеча онам қўнғироқ қилдилар, келиб кет деб ёки пулингизни қизғаняпсизми?

— Гап пулда эмас, рости, пулим ҳам камроқ, ҳафта охиригача чидаб тур, — деганча эр чиқиб кетди.

Бу гаплар Сарвинозга ёқмади. Бўлган гапларни онасига етказди, онаси эса эрига ва... Ўша куни у нарсаларини олиб, боласи билан ота-онасиникига жўнаб кетди.

— Ҳўв, куёв бола, сизда эркаклик ғурури борми ўзи, хотинингиз уйига келаман деса, таксига уч минг сўм пул топиб беролмадингизми, эссиз куёвлик, эссиз...

Қайнота куёвини эшитгиси ҳам келмади. Эртасига маҳалласидан тўрт киши бўлиб келиб, қизининг сепини икки машинага ортиб, уйни ҳувиллатиб кетишди.

Оқсоқол сифатида икки томон билан бир неча марта учрашишимга тўғри келди. Аммо уларни яраштиришнинг иложи бўлмади. Икки томоннинг ҳам димоғлари осмону фалакда, бирор кишининг гапини писанд қилишмасди. Ниҳоят, масала судда ҳал этилди, ажрим эълон қилинди. Синган кўнгилни чегалаб бўлмас экан.

Вақт ўтиб Жаҳонгир уйланди. Мана, унинг дилидаги гаплар:

— Роса уриндик, ота-оналаримизни кўндира олмадик. «Биздан ўтган бўлса, кечиринг» деган гапни айтишни икки тараф ҳам ўзига эп кўрмади. Ота-онам: «Улар кечирим сўрасин, кейин бирга яшайверинглар», — дейишди. Хуллас, оиламиз бузилди. Лекин боламни кўчада қолдирмайман. Тез-тез хабар олиб тураман. Нима қилай, икки йил кутдим. Қайнотамнинг қайсарлиги оиламизнинг бузилишига сабаб бўлди.

Орадан икки-уч ой ўтгач, Сарвиноз менга қўнғироқ қилиб қолди.

— Амакижон, илтимос, отам билан бир гаплашиб кўринг, у киши ўшанда автопарқда бошлиқ эдилар, ҳозир оддий ишчи. Анча ўзларига келиб қолганлар.

Бу гапларни эшитиб, юрагим ачишиб кетди.

— Қизим, энди кеч бўлди, судда ажрашишга рози бўлдингиз-ку. Бунинг устига эрингиз уйланди.

Сарвинознинг уввос солиб йиғлаганини эшитиш осон бўлмади. Мана сизга, ғурур билан тақдирнинг тўқнашуви.

Инсон тақдирини остин-устин қилиб юборувчи бундай мағрурлик кимга керак, азизлар? Одамлар бир-бирига нисбатан ўз вақтида кечиримли бўлсагина дард катталашмасдан барҳам топади. Ҳаёт яна ўз изига тушиб, осуда ва кўркам бўлади.

Мен қисматдан жабр кўрган бу икки ёшнинг ситамлари бошқаларга ўрнак бўлсин, дея қўлимга қалам олдим. Яратганнинг ўзи одамзотни тўғри йўлдан адаштирмасин, илойим.

Эркин ТУРСУНОВ,
Юнусобод туманидаги
«Оқтепа» маҳалласи
фахрий оқсоқоли

► УЧРАШУВ

«Санъат — саодатилдир»

Ҳаётда инсон қаршисида баъзан икки йўл пайдо бўлиб, улардан бирини танлашга тўғри келади. Бунда кимдир қалб амрига қулоқ тутиб, кимдир ақл кўзгусига боқиб иш тутади. «Устозлар», «Қишлоқларимдан», «Ассалом», «Андижоним» каби жозибали қўшиқлари билан танилган, ўттиз йилдан сўнг яна катта саҳнада куйлаган соҳирнафас хонанда Санобар Раҳмонови оилавий бурчини кўнгил майлидан устун кўя олган чинакам ўзбек аёлининг ёркин тимсоли, десак муболаға бўлмайди.

Хонанданинг кўнгил кечинмалари, бугунги ва келажакдаги режалари билан танишиш мақсадида суҳбатга чорладик:

— Санобархон, кўп йиллик танаффусдан сўнг яна катта саҳнага чиқдингиз. Бунда сизга кимлар ва нима куч берди?

— Оилада бекалик масъулияти, она меҳри бирмунча вақт жисман санъатдан айро яшашимга сабабчи бўлди. Чунки фарзандлар камолоти, уларнинг тарбияси мен учун ҳар қандай бойликдан устун эди. Шу боис, узоқ йиллик танаффусдан сўнг қалб даъватим, мухлислар таклифи, қолаверса, санъатга бўлган севгим туфайли турмуш ўртоғим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Жўраев ва санъатни биздан ўзига юқтирган ўғлим — Ихлосжон Жўраевлар билан катта саҳнада концерт дастури беришга, соғинган мухлисларимиз билан яна қайта дийдорлашишга қарор қилдик.

Оллоҳга шукрки, бизга мухлисларнинг ишончи ва соғинч туйғулари куч-қувват бағишлаб, шу йилнинг ёз кунлари «Истиқлол» санъат саройида «Оила — мустаҳкам кўрғон» деб номланган концерт дастуримизни намойиш этишга муяссар бўлдик. Бунинг учун, аввало, санъатсевар халқимизга, мухлисларга, бизни қўллаб-қувватлаган «Art Modern Musik» халқаро продюссерлик маркази раҳбариятига ўзимизнинг чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз.

— Бу гал катта танаффусдан сўнг катта саҳнага чиққанда нималарни ҳис этдингиз? Мухлислар қандай кутиб олишди?

— Узоқ танаффусдан сўнг қаттиқ ҳаяжонда эдик. "Устозлар" қўшиғи эълон қилиниши билан саҳнада қарсак ва олқишлар янгради. Ижроимга мухлислар жўр бўлаётганини кўргач, ҳаяжонлар барҳам топди. Ўзимни яна санъат оламида эканлигимни қайта ҳис этдим. Буни таърифлаб бера олмайман...

— Айтинг-чи, энг биринчи марта саҳнага чиқишингизда қаршилик ва тўсиқлар бўлганмиди? Оилангиздагилар, ота-онангиз бунга қандай муносабатда бўлишган?

— Йўқ, санъат соҳасини севишимга ота-онам ҳам, қайнота-қайнонамлар ҳам қаршилик кўрсатишмаган. Аксинча, улар фахрланиб, саҳнага чиқишга даъват этишган. Айниқса, оддий чўпон бўлган отам, бир умр оила ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланган онам санъаткор эканлигимдан ҳар доим фахрланишган.

Турмуш ўртоғим билан институтда бирга ўқиб, тақдиримизни боғлаганмиз. Институтни битиргач, Андижон давлат филармониясида бирга ижод қилдик, хориж сафарларида, турли тадбирларда ва эл хизматида бўлдик. Кейинчалик фарзандлар тарбияси, қайнота-қайнонамга яхши келин бўлиш, уларни парвариш қилиш каби муҳим вазифалар мени бироз вақт танаффус қилишга ундади. Аммо ҳамиша хаёлим саҳнада эди. Тушларимда ҳам ўттиз йил саҳнада ашула айтдим...

Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам ашулалар айтардим. Айниқса, отам билан тоғ ён бағирларида қўй боқиб, овозимнинг акс-садосига берилиб кетганимда, отам: "Қанийди, телевизорда қўшиқ айтганингни кўрсам!? Шундай кунлар келармикан, қизим?" — дердилар. Отамнинг сўзларига фаришталар "омин" деган экан.

5-синфдалигимда республика миқёсидаги "Марҳабо, талантлар" кўрик-танловида дастурдан ташқари "Андижоним" қўшиғини куйладим. Шунда ҳайъат аъзоси Туроб Тўла: "Шу қиз танловда иштирок этганда, албатта, энг юқори баҳо қўйган бўлардим", — деган эканлар.

1973 йили яна республика миқёсидаги катта тадбирда иштирок этиб, эътиборга тушдим. Бу мен учун финалга йўлланма бўлди. Оддий оиладан чиққан ёш иқтидор соҳибаси сифатида кинофильмга суратга олишди. Фильм 1974 йилнинг 1 январида телевидение орқали намойиш этилди. Экранда ўндан ортиқ қўшиқларим янграгач, юзлаб хатлар келди, қўнғироқлар бўлди. Бу мени янада самаралироқ ижод қилишга ундади.

Шундан сўнг устозларим кўмагида, "Алла", "Найнинг навоси", "Уч дугона", "Олтин сандиқ", "Даврага кел, дугонажон", "Шабнам" каби қўшиқларни яратдим. Республика миқёсида бўлиб ўтган "Куйланг, ёш хонандалар" кўрик-танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдим.

— Мустаҳкам оила йили муносабати билан концерт шу мавзуга бағишланди. Ҳатто оилавий тарзда шу мавзуда қўшиқ куйладингизлар. Қўшиқнинг матни ва тайёрланиш жараёни ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Жорий йилнинг муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан "Мустаҳкам оила йили" деб аталгани нафақат жамият, балки ҳар бир оила ва хонадоннинг осойишталиги, тотувлиги ва янада мустаҳкам бўлишига замин яратди. Бундан илҳомланиб биз ҳам концерт дастури ташкил этишга қарор қилдик. Шоир Н.Орипов қаламига мансуб. "Шукр, оиламиз эрур мустаҳкам" қўшиғининг дунёга келиши ва яна ўттиздан ортиқ қўшиқларни тайёрлаш учун бор меҳр-муҳаббатимиз билан тайёргарлик кўрдик. Шукрки, концертни мухлисларимиз яхши кутиб олишди.

— Юрагингиздаги армон ва орзулар...

— Ҳаётда кўп нарсага эришдим. Турмуш ўртоғим ва оила аъзоларим жуда яхши инсонлар. Тотув ва бахтли яшаймиз. Тўрт нафар фарзандимиз ҳам ўқимишли, оилали. Беш нафар набирани бувисиман. Истагим, оилавий тарзда республика миқёсида концертлар қўйиш, маҳоратимизни янада ошириш.

— Одатий савол — режаларингиз ҳақида билмоқчимиз...

— Концертимиздан сўнг руҳимиз баланд. Вилоят миқёсидаги тадбирларда иштирок этяпмиз. Ўйлаймизки, энди тўхташ йўқ. Чунки бизни руҳлантирувчи мухлисларимиз, қўллаб-қувватловчи дўстларимиз, санъатсевар халқимиз бор экан, эзгулик йўлида меҳнат қилишдан асло чарчамаймиз.

Марям АҲМЕДОВА
суҳбатлашди.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

AGROBANK

Омонатингизни бизга ишонинг

Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филиалига қўйишингиз мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Қўшимча маълумот учун 150 53 65, 150 53 32 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Оила ва қариндош-уруғ ҳақида

Хотинлик рўзғор гулдир,
Хотинсиз рўзғор чўлдир.

* * *

Хотиннинг сариштаси —
Одамнинг фариштаси.

* * *

Шерикчилик — бир йилчилик,
Кудачилик — минг йилчилик.

* * *

Кирк уй қуда бўлса,
Кирқ йил қирғин келмас.

* * *

Қобил ўғил от миндирар,
Ноқобил ўғил отда индирар.

* * *

Куда бўлгунча, кўп синаш,
Кула бўлгач, кўп сийлаш.

* * *

Яхши ерга берсанг қизни,
Силай-силай султон қилур.
Ёмон ерга берсанг қизни,
Ура-ура ултон қилур.

* * *

Яхши хотин ишлик бўлар,
Ёмон хотин тиллик бўлар.

* * *

Яхши хотин — уй зийнати,
Ёмон хотин — тўй зийнати.

«QO'QON MEXANIKA ZAVODI» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолининг 21 йиллик қутлуғ шодиёнаси билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.
Хонадонларимиздан файзу барака аримасин.
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



► ФАҚАТ ФУТБОЛ ҲАҚИДА

"ҲОЖИОБОД" ҒОЛИБ БЎЛДИ

Пойтахтимиздаги "Яккасарой" спорт мажмуасида 15-16 ёшли болалар ўртасида "Футболимиз келажаги" анъанавий республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Футбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Турнирнинг 15-16 ёшли болалар ўртасидаги финал босқичида "Ҳожиобод" (Тошкент шаҳри Учтепа тумани), "Булунғур" (Самарқанд вилояти Булунғур тумани), "Найманча" (Фарғона вилояти Данғара тумани), "Улуғбек" (Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани) маҳаллаларининг ёш футболчилари ғолиблик учун майдонга тушдилар. Якунда барча ўйинларни муваффақиятли якунлаган мезбонлар биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Сурхондарё, учинчи ўрин эса Самарқанд вилояти жамоаларига насиб этди.

АВЕРЬЯНОВ КЕТДИ, ЎРНИГА КИМ КЕЛАДИ?

«Андижон» жамоаси бош мураббийи Александр Аверьянов ўз вазифасидан озод қилинди. Бунга жамоанинг чемпионатдаги муваффақиятсиз иштироки («Андижон» 16 учрашувдан сўнг 12 очко тўплаган ҳолда турнирнинг энг сўнгги поғонасида бормоқда) сабаб бўлди.

Айни пайтда «Андижон» мухлисларини жамоа бош мураббийи этиб ким тайинланиши қизиқтираётгани табиий. Маълумотларга қараганда, таниқли мутахассис Азамат Абдураимов андижонликларнинг бош мураббийи бўлиши мумкин. Бинобарин, uff.uz сайти мутахассис куни кеча клубдаги шарт-шароитлар билан танишгани ва музокара олиб боргани ҳақида хабар тарқатди. Агар музокаралар муваффақиятли тугайдиган бўлса, икки ўртада шартнома имзоланиши мумкин.

ЕЧЛ: КИМ, ҚАНЧА ФОЙДА ОЛАДИ?

УЕФА 2012-2013 йиллар мавсумида Чемпионлар лигасидан тушадиган даромадларни тақсимлаш схемасини эълон қилди.

Жорий мавсумда ҳам 2009-2012 йилларда бўлгани каби 55 миллион евро «плей-офф» иштирокчиларига берилади. Демак, 20 та иштирокчи 2,1 миллион евродан олиши мумкин. Гуруҳ босқичининг ҳар бир жамоаси (32 та) камида 8,6 миллион евродан олади. Турнир ғолиби эса 37,4 миллион еврога эгалик қилади. Бунга медиаҳуқуқлардан олинадиган даромад қўшилмаган.

Суперкубок ғолиби 3 миллионга бойийди. Бу баҳсда иштирок этган иккинчи жамоага эса 800 минг евро берилади.

Газетанинг навбатдаги сони 1 сентябрь, шанба куни чиқади

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Бобур МУҲАММАДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 22 00

Адади: 6509 Буюртма — Г-855 1 2 3 5